

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**



**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ  
ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРДА  
ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ТЎПЛАМИ**

**ТОШКЕНТ - 2013**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

---

---

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИДА ИННОВАЦИОН  
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

---

---

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЎҚУВ  
МАШҒУЛОТЛАРДА  
ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТЎПЛАМИ

ТОШКЕНТ - 2013

**Тузувчилар:** Файзуллаева Д.М., Ганиева М.А., Неъматов И. Назарий ва амалий ўқув машгулотларда ўқитиш технологиялари тўплами. Методик қўлланма / Ўрта махсус, касб-хунар таълимида инновацион таълим технологиялари сериясидан – Т.: ТДИУ, 2013. – 137 б.

ТДИУ Илмий Кенгашининг 30 август 2013 йил 1-сон қарори билан нашрга тавсия этилди.

*Гоя муаллифи: иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Ю.Ходиев*

**Тақризчилар:**

ТДИУ академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор, иқтисод фанлари номзоди, доцент И. Аҳмедов.

ТДИУ “Иқтисодий педагогика” кафедраси мудир, педагогика фанлари доктори, доцент М.К. Ҳақимова.

Ушбу китобда назарий ва амалий ўқув машгулотларда ўқитиш технологиялари тақдим этилган. Ҳар бир ўқув машгулоти куйидагиларни ўз ичига олади: ўқув машгулотида ўқитиш технологияси модели, ўқув машгулотининг технологик харитаси, технологик харитага иловалар.

Тўплам ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларига мўлжалланган, шунингдек педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими тингловчилари учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2013, Иқтисодиёт, 2013.



## МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	3
I-ҚИСМ. ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШГА КИРИШ.....	6
1.1. Ўқув фани бўйича таълим технологиясини тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари.....	7
1.2. Ўқув машғулотларида ўқитиш технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш кондалари.....	8
1.3. Назарий ва амалий ўқув машғулотларининг технологик чизмлари.....	12
II-ҚИСМ. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	16
2.1. НАЗАРИЙ ЎҚУВ МАШҒУЛОТ.....	17
2.1.1. “Инсон ҳаётида овқатланишнинг аҳамияти” мавзуси бўйича ўқув машғулотларда ўқитиш технологияси. <i>Бабалсанова Р., Урганч Туризм ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежси.....</i>	17
2.1.2. “Шакар, асал, патока” мавзуси бўйича ўқув машғулотларда ўқитиш технологияси. <i>Бабалсанова Р., Урганч Туризм ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежси.....</i>	25
2.1.3. “Тажриба, тайёрлов, бичув, тиқув цехларида бажариладиган ишлар” мавзусида янги билимларни эгаллаш бўйича назарий ўқув машғулотининг ўқитиш технологияси. <i>Убайдова В., Бухоро туман маънавий хизмат ва сервис касб-ҳунар коллежси.....</i>	34
2.1.4. “Konstitutsiyaviy huquq” mavzusida to'liq nazariy o'quv mashg'ulotining o'qitish texnologiyasi. <i>Jumayeva F., Buxoro muxandislik texnologiyalar instituti qoshidagi 1-son akademik litseyi.....</i>	39
2.1.5. “Маркетинг асослари фанининг предмети, вазифалари, унинг инвожланиш босқичлари” мавзуси бўйича ўқув машғулотларда ўқитиш технологияси. <i>Аббаназарова С., Самарқанд молия-иқтисодийёт коллежси.....</i>	46
2.1.6. “Маркетинг стратегияси ва режалаштириш. маркетинг естури” мавзуси бўйича ўқув машғулотларда ўқитиш технологияси. <i>Аббаназарова С., Самарқанд молия-иқтисодийёт коллежси.....</i>	58
2.1.7. “Биология фанининг кишлоқ хўжалиқ, тиббиёт, саноат, мончилик, баликчилик, табиатни муҳофаза қилишдаги аҳамияти” мавзуси бўйича ўқув машғулотларда ўқитиш технологияси. <i>Абтобхўжаева Х., Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги қандорли болалар академик лицейи.....</i>	65





## СЎЗ БОШИ

Хар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётини зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда мустакил тараккиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илгор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Келажак тараккиёти бугунги ёш авлоднинг ақлий тафаккури, билим тажрибаси ва касбий тайёргарлигига боғлиқдир. Ёшларни ҳаётда ўз ўринларини топиши, ўз салоҳиятларини эркин намоён эта олишлари ва уларни иш билан таъминлаш доимо давлатимизнинг диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Ўрта махсус, касб-хунар бораётган эҳтиёжларига мувофиқ шунингдек, кичик узлуксиз равишда ўсиб бораётган малака даражасига юқори талаблар қўювчи бозор мутахассисининг аниқ касбий малака даражасига юқори талаблар қўювчи бозор иқтисодиётига ўтилишини ҳисобга олиб, юқори малакали ва рақобатбардош кичик мутахассисларни тайёрлашдан иборат.


Таълим жараёнларини замонавийлаштириш жаҳон талабларига мос мутахассисларни тайёрлаш, уларга таълим бериш ва таълим олувчини ўз ортидан эргаштира олиш учун бугунги ўқитувчига қандай тартибда ёрдам бериш мумкин?

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1761-сон қарори бўл қилиндики, унда академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари педагог кадрларни замонавий ахборот-коммуникация воситаларини қўллаш асосида илгор педагогик технологияларни эгаллашлари учун тегишли шароитлар яратиш, уларда интерфаол таълим услубларини ўқув жараёнига жорий этиш бўйича тўпланган илгор тажрибаларини оммалаштиришни таъминлаш мақсадида “Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассаслари педагог кадрлари ва таълим жараёнига илгор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш” мавзусида 2012 йил октябр-декабр ва 2013 йил август ойларидан семинар-тренинглар ташкил этилди.

Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм ўқув машғулотларида иш технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштиришга кириш ҳақида иш технологияларини ўз ичига олса, иккинчи қисм эса академик лицей ва касб-хунар коллеж ўқитувчиларининг назарий ва амалий машғулотларида иш технологиялари тақдим этилган.

Тўпламдаги ўқитиш технологиялари мукамалликдан йироқдир, чунки ўқитувчилар ўқитиш технологияларини яратиш бўйича илк қадам ташладилар. Жараён бошланди, бу эса – энг муҳими.





**I –ҚИСМ. НАЗАРИЙ  
ВА АМАЛИЙ ЎҚУВ  
МАШҒУЛОТЛАРИДА  
ЎҚИТИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ЛОЙИХАЛАШТИРИ  
Ш ВА  
РЕЖАЛАШТИРИШ  
А КИРИШ**

**1.1. Ўқув фани бўйича таълим технологиясини тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари.**

**1.2. Ўқув машғулотларида ўқитиш технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш қоидалари.**

**1.3. Назарий ва амалий ўқув машғулотларининг технологик чизмалари**

## 1. 1. Ўқув фани бўйича таълим технологиясини тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари

---

Ўқув фани бўйича таълим технологияси қуйидагилардан келиб чикиб ишлаб чиқилади:

- Ўқув юртида таълимни технологиялаштириш кондаси;
- фан бўйича ўқув ахборот мақсади, тузилмаси, мазмуни ва ҳажми;
- ДТС томонидан белгиланган, ўқув режасида аниқлаб берилган вақтда ва берилган шароитда таълим бериш мақсадига эришишни кафолатловчи ўқитиш, мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини танлашнинг концептуал ёндашувлари.

### 1. Кириш.

Таълим технологиясининг бу қисмида иктисодиётнинг бозор тамойиллари кескинлашуви шароитида ва жамиятнинг демократиялашувида таълимни технологиялаштиришнинг *долзарблиги* асосланади, ўқув фани бўйича таълим технологиясининг тузилиши баён этилади ва назарий ва амалий машгулотларига лойиҳаланган ўқитиш технологиясига қисқа тавсифлар берилади.

### 2. Таълим технологиясининг концептуал асослари.

ТТнинг бу қисмида қуйидагилар ёритилади:

- *ўқув фанининг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, аудитория соатларининг умумий ҳажми* ва ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ уларнинг мавзулар бўйича тақсимооти, *ши турлари*;

- *ўқув фанининг мазмуни*, ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ баён этилган ўқув фанининг мавзу мазмуни;

- *ўқув машгулотларида ўқитиш технологиясини лойиҳалаш ва режалаштиришда ўқитишнинг, мулоқотнинг, ахборотнинг ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини танлашнинг услубий асослари.*

### 3. Назарий ва амалий машгулотларига лойиҳаланган таълим технологияси.

Ҳар бир таълимий технология ўқув машгулотининг ўқитиш технологияси модели, ўқув машгулотининг технологик харитаси, технологик харитасига иловалардан иборат бўлади.



## **1.2. Ўқув машғулотида ўқитиш технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш қоидалари**

Ўқув машғулотида ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ўқитувчининг куйидаги ҳаракатлар изчиллиги ва унинг фаолият натижаларини ўз ичига олади.

Ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишда ўқитувчи ҳаракатининг изчиллиги	Натижалар
1. Ўқитиш технологиясини лойиҳалаштириш.	Ўқитиш технологияси модели
2. Ўқув машғулотда ўқувчилар билан ҳамкорликдаги фаолиятини босқичма-босқич режалаштириш	Ўқув машғулотининг технологик харитаси
3. Ўқув жараёнининг ташкилий-дидактик таъминотини ишлаб чиқиш	Ўқув машғулотининг технологик харитасига иловалар: ўқув-услубий, таркатма ва кўргазмали материаллар

Ўқув машғулотида ўқитиш технологияларини лойиҳалаштириш ва режалаштиришни бошлашдан аввал куйидаги тартибдаги ҳаракатлар асосида, унинг модели ишлаб чиқилади.

### I-босқич. Ўқув машғулотининг ўқитиш технологияси моделини лойиҳалаштириш

1. Ўқув машғулотининг тузилишини аниқлайди.

2. Ўқув машғулотининг мақсадини ифодалайди, ўқув фаолият натижалари ва педагогик вазифаларни лойиҳалайди.

👉 Ўқув фаолиятининг кутилажак натижалари – бу ўқитиш натижасида талаба эгаллаши ва бажариши лозим бўлган ҳаракатлар.

Аниқ ва феъл шаклида (...айтади, ...санаб ўтади, ...тавсифлайди, ...ечади ва ҳокозо) ифодаланади, тугалланган ҳаракатни билдириб, улар томонидан эришилган натижаларни объектив баҳолашни ва белгиланган мақсадга мослигини аниқлаш имконини беради.

👉 Педагогик вазифалар—талабани ўқув фаолиятининг белгиланган натижасига ҳаракатланишини ташкиллаштириш учун ўқитувчи томонидан бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар (тушунтириш, ёритиб бериш...).

3. Қайтар алоқа йўл ва воситаларини танлайди: тезкор- сўров, савол-жавоб, ўқув топшириғи натижаларини тақдимотини баҳолаш ва бошқ.

4. Лойиҳалаштириш фаолият натижаларини ўқув машғулотида ўқитиш технологияси моделини жадвал кўринишида расмийлаштирадлар.

Универсал ўқув машғулотида ўқитиш технологияси модели

Мавзу (номи).....

<i>Вақт: ...соат</i>	<i>Ўқувчилар сони: ...</i>
<i>Ўқув машғулоти шакли ва тури</i>	Назарий (тўлиқ ўқув машғулоти ва бошқ.) Амалий (билимларни мустаҳкамлаш ва кўникмаларни шакллантириш ва бошқ.)
<i>Ўқув машғулоти режаси/ тузилиши</i>	1. ... 2. ...
<i>Ўқув машғулоти мақсади:</i>	умумий тушунчаларни шакллантириш /билимларни мустаҳкамлаш ва кўникмаларни шакллантириш
<i>Педагогик вазифалар: ...билан таништириш; ...таснифини бериш; ...тушунтириш; ...очиб бериш ва бошқ.</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> ...кўрсатадилар; ...таснифлайдилар; ...айтиб берадилар; ...тартибли равишда очиб берадилар.
<i>Ўқитиш методлари</i>	Маъруза, ақлий ҳужум, тушунтириш, кўрсатиш, намойиш, йўриқнома бериш ва бошқ.
<i>Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакли</i>	Оммавий/ жамоавий/ гуруҳли/ индивидуал.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, ўқув қўлланма, жадваллар, плакатлар, проектор, компьютер, ёзув тахтаси ва бошқ.
<i>Ўқитиш шароити</i>	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар
<i>Қайтар алоқанинг йўл ва воситалари</i>	Тезкор-сўров, савол-жавоб, тест, бажарилган ўқув топшириқлар тақдимотини баҳолаш.



## II-босқич. Ўқитиш технологиясини режалаштириш

1. Ўқув машғулотини ўқитиш технологиясини технологик харита кўринишида режалаштиришни амалга оширади.

☞ Технологик харитада таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият (ўқув жараёни) босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳамда уларда қўлланиладиган воситалар тавсифланади. Технологик харита талабаларнинг мустакил ишлашларини назорат қилишга ёрдам беради.


### Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1-босқич. Ўқув машғулоти ва мавзусига кириш (5-15дақ.)	<p><b>Ташкилий бошланиш.</b></p> <p>1.1. Ўқувчиларни машғулотга тайёргарлигини ва давоматини текширади.</p> <p><b>Таянч билимларни фаоллаштириш.</b></p> <p>1.2. Уй вазифаси назорат қилади ва баҳолайди.</p> <p>1.3. Ўтилган мавзу бўйича ўқувчиларга саволлар беради ва уларни баҳолайди.</p> <p><b>Мақсад ва вазифани белгиланиши.</b></p> <p>1.2. Мавзунинг номи, режаси, мақсад ва кутилаётган натижалар билан таништиради ва ёзиб олишларини айтади.</p> <p>1.3. Мустакил ишлаш учун адабиётлар билан таништиради.</p> <p>1.5. Ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари билан таништиради.</p>	<p>Машғулотга тайёрланадилар. Уй вазифасини тақдим этадилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Мавзу номи ва режасини ёзиб оладилар.</p> <p>Диққат қиладилар.</p>
2-босқич. Асосий (40-50дақ.)	<p><b>Янги ўқув материалга кириш.</b></p> <p>2.1. Тезкор-сўров/ савол-жавоб/ ақлий хужум орқали билимларни фаоллаштиради.</p> <p>2.2. Назарий / амалий машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён этади. Асосий ҳолатларни ёздирди.</p>	<p>Жавоб берадилар.</p> <p>Ёзиб оладилар.</p>
3-босқич. Яқуний	<p><b>Машғулот яқуни.</b></p> <p>3.1. Мавзу бўйича яқунлайди, қилинган</p>	<p>Диққат қиладилар.</p>

(5-15дак.)	<p>ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига ўқувчилар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Фаол иштирок этган ўқувчиларни рағбатлантирди.</p> <p><b>Уйга вазифани берилши.</b></p> <p>Мавзу бўйича тест саволларига тайёрланиш.</p>	<p>хулосалар қиладилар.</p> <p>Баҳолари билан танишадилар.</p> <p>Тошширкини ёзиб оладилар.</p>
------------	--	---

2. Ўқув жараёнини ташкилий-дидактик таъминотини ишлаб чиқади ва уни технологик харитага илова қўринишида расмийлаштиради.



 **Технологик харитага илова ўз ичига қуйидагиларни олади:**

- талабалар билиминини фаоллаштириш мақсадида қўлланиладиган саволлар рўйхати;
- гуруҳларда ишлаш учун йўриқнома, ўқув фаолияти натижасида талабалар таяниши мумкин бўлган қондалар (ақлий хужум қондаси, гуруҳларда ишлаш қондаси, мунозара иштирокчиларига эслатма);
- ўқитувчи томонидан ўқув жараёнида фойдаланиладиган слайдлар, жадваллар, ва бошқа визуал материаллар;
- мунозара ўтказиш учун қўшимча саволлар;
- гуруҳларда ва яқка ҳолдаги фаолиятни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари.



### 1.3. Назарий ва амалий ўқув машғулотларининг технологик чизмлари

#### Ўқув машғулоти ва унинг тузилиши

Ўқув машғулотининг тузилиши – бу турли вариантларда машғулотнинг яхлитлигини таъминловчи ва асосий тавсифларини сақлаб қолувчи, унинг элементлари йиғиндисидир.

Ўқув машғулотларини етакчи дидактик мақсади бўйича таснифлаш энг мақбул ҳисобланиб, қуйидаги ўқув машғулот турларини ўз ичига олади:

- 1) тўлиқ ўқув машғулоти;
- 2) Ўқувчилар томонидан янги ўқув материални эгаллаш бўйича машғулоти;
- 3) билимларни мустаҳкамлаш ва кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича машғулоти;
- 4) билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш бўйича машғулоти;
- 5) билимларни текшириш, баҳолаш ва тўғрилаш бўйича машғулоти.

Ўқув машғулотининг ҳар бир босқичи ўзининг аниқ дидактик мақсади ва мазмунидан иборат бўлади. Қуйида ҳар ўқув машғулотининг турлари бўйича тузилиши тақдим этилади:

#### Назарий ўқув машғулоти (1-вариант)

##### Тўлиқ (комбинацияланган) ўқув машғулоти

Бу машғулоти, интегратив дидактик мақсадлардан иборат бўлиб, ўтилган ўқув материални бўйича билимларни фаоллаштиришга, ўзлаштириш даражаси, кўникма ва малакаларни шаклланганлик даражасини аниқлашга (назорат); янги ўқув материални ўзлаштиришга, тизимлаштириш ва умумлаштиришга йўналтирилган бўлади.

(Фойдаланиладиган ўқитиш методлари – маъруза, тушунтириш, кўрсатиш, намойиш, ҳикоя, машқ ва бошқ.)

##### Машғулотнинг тузилмавий элементлари

1. Ташкилий бошланиш.
2. Мақсад ва вазифалар билан таништириш.
3. Таян билимларни фаоллаштириш мақсадида уй вазифасини текшириш.
4. Янги ўқув материални баёни.
5. Материални мустаҳкамлаш ва такрорлаш.
6. Машғулоти якуни.

## Назарий ўқув машгулот (2-вариант)

### Янги билимларни эгаллаш бўйича ўқув машгулоти

Унинг асосий мақсади янги ўқув материалга олиб кириш ва уни бирламчи онгли қабул қилиш, ва уни натижаси бўлиб ўқувчиларда ўрганилаётган факт ва ҳодислар тўғрисида тасаввурларни ҳосил қилиш, ўрганилаётган фан моҳиятини ташкил этувчи тушунчалар мазмунини тушуниши ва б. ҳисобланади.

*(фойдаланиладиган ўқитиш методлари- маъруза, тушуштириш, намоиш, ҳикоя, видео ва б.)*

### Машгулотнинг тузилмавий элементлари

1. Ташкилий бошланиш.
2. Мақсад ва вазифалар билан таништириш.
3. Янги ўқув материали баёни.
4. Машгулот якуни.
5. Уйга вазифа.

## Амалий ўқув машгулот (1-вариант)

### Билимларни мустаҳкамлаш ва қўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича ўқув машгулоти

Унинг асосий мақсади – аниқ ҳаракат йўлларини чуқурроқ ўзлаштириш ва эгаллашни таъминлаш билан билимларни амалий фаолиятга ўтказиш ҳисобланади.

### Машгулотнинг тузилмавий элементлари

1. Ташкилий бошланиш.
2. Мақсад ва вазифалар билан таништириш.
3. Ўтилган ўқув материални текшириш (уй вазифа).
4. Билимларни мустаҳкамлаш ва ҳаракат йўлларини шакллантириш.
5. Машгулот якуни.



## Амалий ўқув машгулот (лаборатория) (2-вариант)

Билимларни мустаҳкамлаш ва кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича ўқув машгулоти

Унинг асосий мақсади-аниқ ҳаракат йўлларини чуқурроқ ўзлаштириш ва эгаллашни таъминлаш билан билимларни амалий фаолиятга ўтказиш ҳисобланади.

Машгулотнинг тузилмавий элементлари

1. Ташкилий бошланиш.
2. Мақсад ва вазифалар билан таништириш.
3. Ўтилган ўқув материални текшириш (уй вазифа).
4. Билимларни мустаҳкамлаш ва ҳаракат йўлларини шакллантириш.
5. Машгулот якуни.

## Амалий ўқув машгулот (3-вариант)

Билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш бўйича ўқув машгулоти

Бу машгулот тури катта мавзу, бўлим ва тўлиқ курсларни ўтиб бўлингандан сўнг ўтказилади. Унда ўрганилган ўқув материални муҳим бўлган жойлари такрорланади ва тизимлаштирилади.

Машгулотнинг тузилмавий элементлари

1. Ташкилий бошланиш.
2. Мақсад ва вазифалар билан таништириш.
3. Ўрганилганларни умумлаштириш ва тизимлаштириш, такрорлаш.
4. Машгулот якуни.

Билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш бўйича машгулотига энг асосий семинар машгулоти (семинар) таалукли ҳисобланади. унда саволлар муаммоли хусусиятида бўлса мақсадга

### Амалий ўқув машгулот (4-вариант)

Билим, кўникма ва малакаларни назоратини ошириш  
бўйича ўқув машгулотни

Машгулотнинг мақсади ҳар бир талабанинг ўқув фаолияти  
натижаларини текшириш ва баҳолашдан иборат бўлади.

Машгулотнинг тузилмавий элементлари

1. Ташкилий бошланиш.
2. Мақсад ва вазифалар билан таништириш.
3. Ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни текшириш.
4. Машгулот якуни.
5. Уйга вазифа.

### Амалий ўқув машгулот (5-вариант)

Ишлаб чиқариш (касбий) амалиёт


Бу ўқитиш шаклини мақсади ҳар бир талабанинг мутахассислиги  
бўйича бирламчи касбий кўникма ва малакаларини шакллантиришдан  
иборат бўлади.

Ўтказилиш жойи

1. Ўқув амалиётини ўтказиш жойи: таълим муассасасининг ўқув  
ёки ўқув ишлаб чиқариш устахоналари.
2. Диплом олди амалиётини ўтказиш жойи: корхона, ташкилот,  
муассасалар.



**II-ҚИСМ. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА  
КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖ  
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА  
АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА  
ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**



- 2.1. Назарий ўқув машғулот**
- 2.2. Амалий ўқув машғулот**
- 2.3. Ўқув ишлаб чиқариш амалиёт**

## 2.1. НАЗАРИЙ ЎҚУВ МАШҒУЛОТ

2.1.1	<b>“Инсон ҳаётида овқатланишнинг ахамияти” мавзуси бўйича ўқув машғулотларда ўқитиш технологияси</b> <i>Бабажанова Р. , Урганч Туризм ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи</i>
-------	---

### 1.1. Ўқув машғулотининг ўқитиш технологияси модели

<i>Вақт: 2 соат</i>	<i>Ўқувчилар сони: 30</i>	
<i>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</i>	Назарий–янги билимларни эгаллаш бўйича ўқув машғулот	
<i>Ўқув машғулот режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Кириш. Фаннинг мақсад ва вазифалари.</li> <li>2. Инсон ҳаёт фаолиятида овқатланишнинг роли.</li> <li>3. Меъёрий овқатланишнинг илмий асослари</li> <li>4. Инсон организмнинг энергияга бўлган талаби.</li> </ol>	
<i>Ўқув машғулотини мақсади:</i> ўқув фани, инсон ҳаётида овқатланишнинг ахамияти бўйича умумий тушунчаларни бериш.		
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• “Овқатланиш физиологияси асослари” фанининг мақсад ва вазифалари билан таништириш;</li> <li>• Инсон ҳаёт фаолиятида овқатланишнинг роли ҳақида маълумот бериш;</li> <li>• Меъёрий овқатланишнинг илмий асослари келтириш;</li> <li>• Инсон организмнинг энергияга бўлган талаби ҳақида тушунча бериш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• “Овқатланиш физиологияси асослари” фанининг мақсад ва вазифаларини айтиб бера оладилар;</li> <li>• Инсон ҳаёт фаолиятида овқатланишнинг ролинини тушунтира оладилар;</li> <li>• Меъёрий овқатланишнинг илмий асослари келтириб берадилар;</li> <li>• Инсон организмнинг энергияга бўлган талабини тушунтира оладилар.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш методлари</i>	Маъруза, ақлий ҳужум, намойиш.	
<i>Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий.	
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матн, ёзув тахтаси, слайдлар, проектор, компьютер.	
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган аудитория.	
<i>Қайтар алоқанинг усул ва воситалари</i>	Кузатиш, тезкор- сўров.	

### 1.2. Ўқув машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>ўқувчи</i>




<p>1-боскич. Ўқув машгулот ига кириш (10 дак.)</p>	<p><b>Ташкилий бошланш.</b> 1.1. Ўқувчилар билан саломлашади. 1.2. Ўқувчиларни ва аудиторияни машгулотга тайёрлигини текширади. 1.3. Йўқлама қилади. <b>Ўқув фанига олиб кириш.</b> 1.4. Ўқув фани билан таништиради ва ундаги мавзуларнинг ўзаро алоқасини ёритади, уларга қисқа тавсиф беради, 1.5. Фан микёсида бажариладиган услубий ва ташкилий ишлар хусусиятларини тушунтиради. 1.6. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни (1-илова) муσταқил ишлаш учун адабиётлар билан таништиради. <b>Мақсад ва вазифани белгиланши.</b> 1.7. Биринчи ўқув машгулоти мавзуси, режаси, мақсад ва ўқув фаолият натижалари билан таништиради.</p>	<p>Дарсга тайёргарлик кўрадилар.</p> <p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>Ёзиб оладилар.</p>
<p>2-боскич. Асосий (70 дак.)</p>	<p><b>Таянч билимларни фаоллаштириш.</b> 2.1. Ўқувчилар билмини тезкор-сўров орқали фаоллаштиради (2-илова). Жавобларни қабул қилади, улар асосида янги ўқув материали бўйича маълумотлар беришга ўтади. <b>Янги ўқув материалга кириш.</b> 2.2. Слайдларни Power point тартибида (3-илова) намойиш ва шарҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий ҳолатларни баён қилади. 2.3. Жалб қилувчи саволлар беради. 2.4. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. 2.5. Маълумотларни дафтарга қайд этишларини эслатади. 2.5. Янги ўқув материални ўзлаштириш даражасини текшириш бўйича тезкор-сўров ўтказади (4-илова).</p>	<p>Саволга жавоб берадилар.</p> <p>Кузатадилар, маълумотларни дафтарга қайд қиладилар. Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар</p>
<p>3-боскич. Яқуний (10 дак.)</p>	<p><b>Машгулотни яқунлаш .</b> 3.1. Мавзу бўйича яқун қилади, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига Ўқувчилар эътиборини қаратади. <b>Уйга вазифа бериш.</b> 3.2. Меҳнат фаолиятининг турини ҳисобга олган ҳолда онла аъзоларини қандай гуруҳга қиритиш мумкинлигини аниқлаш (5-илова).</p>	<p>Диққат қиладилар.</p> <p>Топширикни ёзадилар</p>

1- илова

# ОВҚАТЛАНИШ ФИЗИОЛОГИЯСИ

*"Қимки соғлом турмуш тарзига эришмоқчи бўлса, ўз соғлигини сақламоқчи ва мустақкамловчи бўлса, овқатланиш тартибига, истеъмол қилинадиган овқатнинг сифатига, миқдорига, овқатни истеъмол қилиш вақти ва унинг ҳазм бўлиш жараёнига асосий эътиборни қаратмоғи лозим."*  
Абу Али ибн Сино



ОВҚАТЛАНИШ ФИЗИОЛОГИЯСИ – БУ  
ИНСОН ОРГАНИЗМИДА ОЗИҚ  
ОВҚАТЛАРНИНГ ЎЗГАРИШНИ  
ЎРГАНАДИГАН ФАН





# ЯШАШ ЕЙИШ УЧУН ЭМАС, ЕЙИШ ЯШАШ УЧУН



2- илова

Тезкор-сўров саволи:



## Инсон учун овқатланиш нимага зарур?



## ЯНГИ ЎҚУВ МАТЕРИАЛНИИ СЛАЙДЛИ ТАҚДИМОТИ

### 1 савол. Инсон ҳаёт фаолиятида овқатланишнинг аҳамияти

Физиология сўзи юнонча бўлиб, табиат маъносини билдиради. XVI асрдан бошлаб бу атамани жонивор ва ўсимлик дунёсини ўрганувчи фанини белгилаш учун ишлатиб келинган.


Ибн Сино ташки муҳит одам организмга кучли таъсир кўрсатиши мумкинлигига катта аҳамият берган. Фақат бир фаслдан иккинчи фаслга ўтиш эмас, балки куннинг тунга улалиши ҳам организмда ўзгаришлар келтириб чиқаради, деган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида кенг бош ва орқа мия турли қисмларининг физиологик фаолиятларини бошқаришдаги иштирокни ўрганиш жиддий тус олди.

Бу йўналишда И.М.Сеченев катта иш қилди. Рус физиологиясининг отаси деб ҳисобланган бу олимнинг энг йирик иши марказий нерв тизимида тормозланиш жараёнини кашф этишдир. И.М.Сеченев ўзининг 1863 йилда чоп этилган «Бош мия рефлекслари» асарида инсоннинг беихтиёр ва ихтиёрый ҳатти – ҳаракатларининг ҳаммаси юзага чиқиши бўйича

### 2 савол. Меъёрий овқатланишнинг илмий асослари

Овқатланиш - бу организм томонидан инсоннинг ҳаёти, саломатлиги ва меҳнат қобилиятини сақлаб туриши учун зарур бўлган озиқа моддаларининг ўзлаштирилиш жараёни ҳисобланади.





Рационал овқатланиш бу - овқат билан кираётган энергия ва инсоннинг ҳаёт фаолияти давомида сарфланадиган энергия орасидаги мувозанатни саклаш, яъни: энергия балансини; организмнинг озик моддаларнинг маълум миқдори ва нисбатига бўлган талабни қондириш; овқатланиш тартибига риоя қилишдан иборат бўлган учта асосий қонда билан боғлиқ.

### 3 савол. Инсон организмнинг энергияга бўлган талаби

#### Инсон организмнинг энергия сарфи

Асосий алмашинув – ички органлар, системалар ва туқималар функцияларини таъминлаб берувчи биокимёвий жараёнларга сарфланадиган энергия бўлиб, бу ўрта ҳисобда 1400-1700 ккални ташкил этади.

Овқатнинг специфик-динамик таъсири – овқатни хазм қилиш ва озик моддаларни ўзгартиришга сарфланадиган энергиядир, бу асосий алмашинувнинг 10-15% ни ташкил этади.

Қасб-корга алоқадор ишларни, уй-рўзгор ишларини бажаришга, актив дам олини, ўз-ўзига хизмат қилиш, спорт фаолиятига ва бошқаларга сарфланадиган энергия.

Шундай қилиб, одамнинг бир кеча-кундузда сарфлаб турадиган энергияси ўрта ҳисобда 2700-4500 ккални ташкил этади ва бундан ортади.

Организм томонидан у ёки бу озик-овқат маҳсулотини хазм қилишда ажралиб чиқадиган энергия шу маҳсулотнинг калориялиги ёки энергетик қиймати деб аталади. Аниқланишича 1 г ёғ оксидланганида организм 9 ккал ёки 37,7 кЖ, 1 оксил оксидланганида 4 ккал ёки 16,7 кЖ, 1 углеводлар оксидланганида 3,75 ккал ёки 15,7 кЖ энергия олади. Аммо озик моддалари организм томонидан тўлиқ хазм қилинмайди. Оксиллар 94,5%, ёғлар 94%, углеводлар 95,6% хазм бўлади.

Энергетик нуқтан назардан ва меҳнат фаолиятининг турини ҳисобга олган ҳолда овқатланиш рақсонини тўғри тузиш учун овқатланиш гигиенаси соҳасининг мутахасислари, барча катта ёшдаги аҳолини тўрт гуруҳга ажратганлар.

Биринчи  
гуруҳ

Иш фаолияти жисмоний меҳнат билан боғлиқ бўлмаган. Ёки кам миқдордаги жисмоний меҳнатни талаб қиладиган шахслар қиради. Энергетик алмашиниш эркакларда 2600...2700 ккал (10894...11313 кЖ), аёлларда - 2200...2400 ккал (9218...10056 кЖ).

Иккинчи  
гуруҳ

Механизациялаштирилган ишлаб чиқариш ишчилари ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ишчилари кириб, уларнинг иш фаолияти катта жисмоний зўриқини талаб қилмайди [эркакларда 2700...3000 ккал (11313...12570 кЖ), аёлларда - 3000...3200 ккал (12570...13408 кЖ)].

Учинчи  
гуруҳ

Меҳнат фаолияти қисман механизациялаштирилган ишлаб чиқариш ишчилари ва иш фаолияти маълум жисмоний зўриқини билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳасининг ишчилари қиради [эркакларда 2900...3200 ккал (12151...13408 кЖ), аёлларда - 3100...3400 ккал (12989...14246 кЖ)].

Тўртинчи  
гуруҳ

Ўртача ва катта оғирликдаги иш фаолияти билан шугулланувчи ярим механизациялаштирилган ёки механизациялаштирилмаган ишлаб чиқариш ишчилари қиради [эркакларда 3400...3700 ккал (14246...15503 кЖ), аёлларда - 3600...3900 ккал (15084...16341 кЖ)]. Иш фаолияти катта асаб зўриқини билан боғлиқ бўлган шахслар (бошқарув пулти ишчилари, диспетчерлар) энергия ва оксилга эҳтиёжга қараб меҳнат жадаллигининг биринчи гуруҳига тенглаштирилади.



**Тезкор - сўров саволлари:**

1. Рус физиологиясининг отаси деб қайси рус олим ҳисобланади?
2. 70 кг вазни инсон танаси тўқималарида қанча сув миқдори бўлади?
3. Ёғлар, оксиллар ва углеводлар оксидланганида организмда қанча энергия ажратади?
4. Энергия сарфи неча гуруҳга бўлинади?
5. Энергетик ва меҳнат фаолияти туринининг нуктаи назаридан катта ёшдаги одамлар неча гуруҳларга бўлинган?

**Мустақил иш топшириғи:**

Меҳнат фаолиятининг турини ҳисобга олган ҳолда оила аъзоларингиз қандай гуруҳга киритиш мумкинлигини аниқланг ва изоҳланг.

*Эслатам:* мустақил иш дафтарга жадвал кўринишида расмийлаштирилади.

**Мустақил иш дафтарга расмийлаштириш жадвал намунаси**

Оила азолари	Меҳнат фаолияти	Гуруҳ сони	Изоҳлар

2.1.2	<p><b>“Шакар, асал, патока” мавзуси бўйича ўқув машгулотларда ўқитиш технологияси</b></p> <p><i>Бабажанова Р., Урганч Туризм ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи</i></p>
-------	---

### 1.1. Ўқув машгулотининг ўқитиш технологияси модели

Вақт: 2 соат	Ўқувчилар сони: 30
Ўқув машгулотининг шакли ва тури	Назарий- тўлиқ ўқув машгулоти
Ўқув машгулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Шакар ва қанд упаси.</li> <li>2. Асал.</li> <li>3. Карамель патокаси (киёми).</li> </ol>
Ўқув машгулоти мақсади: қандолатпазликда ишлатиладиган шпринлаштирувчи моддалар шакар, асал ва патокалар тўғрисида тушунча ва билимларни шакллантириш	
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Шакар кимёвий таркиби, хоссалари ва қандолатпазликда ишлатилиш моҳияти билан таништириш;</li> <li>• Асал кимёвий таркиби ва қандолатпазликда аҳамиятини кўрсатиш;</li> <li>• Карамель патокаси ҳақида маълумот бериш;</li> <li>• Шакар, асал ва патокани ишлашга тайёрлаш йўлларини кўрсатиш.</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Шакар таркиби, хоссалари ва ишлатиш моҳиятини айтиб бера оладилар;</li> <li>• Асал таркибини такрорлаб берадилар, қандолатпазликдаги аҳамиятини тушунтира оладилар;</li> <li>• Карамель патоканинг аҳамиятини айтидилар;</li> <li>• Шакар, асал ва патокани ишлашга тайёрлаш жараёнларни тушунтирадилар.</li> </ul>
Ўқитиш усуллари	Кичик маъруза, намойиш, тушунтириш.
Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакли	Жамоавий, индивидуал, гуруҳли.
Ўқитиш воситалари	Дарслик, ёзув тахтаси, кўргазмали материаллар слайдлар, компьютер тизими, карточкалар, график органайзер-“Концептуал жадвал”.
Ўқитиш шароити	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган, гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Қайтар алоқанинг усул ва воситалари	Кузатиш, савол-жавоб, карточка-саволлар, тезкор-сўров.

### 1.2. Ўқув машгулотининг технологик харитаси

Или босқичлар и ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчи



<p>1-босқич. Ўқув машгулот ига кириш (20 дақ.)</p>	<p><b>Ташкилий бошланш.</b> 1.1. Саломлашади, хона озадалигини ва ўқувчиларнинг тайёргарлигини текширади. Йўқлама қилади ва журнални тўлдиради. <b>Мақсад ва вазифани белгиланиши.</b> 1.2. Мавзунинг номи, мақсад ва қутилаётган натижаларни етказилади. Мавзуларнинг ўзаро алоқасини ёритади, уларга қисқа тавсиф беради, фан микёсида бажариладиган услубий ва ташкилий ишлар хусусиятларини тушунтиради. <b>Таянч билимларни фаоллаштириш.</b> 1.3. Ҳар бир ўқувчини ўтилган мавзу бўйича ўзлаштириш даражасини карточка-саволлар орқали текширади (1-илова). 1.4. Ўқувчилар билимини баҳолайди ва янги ўқув материалига олиб қиради.</p>	<p>Дарсга тайёргарлик кўрадилар, йўқламага жавоб берадилар.</p> <p>Тинглайдилар Мавзунини ва режани ёзиб оладилар.</p> <p>Саволларга индивидуал тарзда жавоб берадилар.</p>
<p>2-босқич. Асосий (60 дақ.)</p>	<p><b>Янги ўқув материалига кириш.</b> 2.1. Слайдларни Power point тартибида намойиш ва шарҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий ҳолатларни баён қилади. (2-илова). 2.2. Жалб қилувчи саволлар беради. 2.3. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича ҳулосалар қилади, энг асосийларига эътибор қаратади, берилаётган маълумотларни дафтарга қайд этишларини эслатади. 2.2. Шакар, асал ва патокаларнинг кимёвий таркибининг асосий хусусиятларини ёритади. ("Концептуал" жадвал) (3-илова). 2.3. Ҳамир тайёрлаш жараёнида ширинлаштирувчиларнинг аҳамияти ва ишлашга тайёрлаш жараёнларини тушунтиради. <b>Янги ўқув материалини мустаҳкамлаш.</b> 2.4. Жараён кичик гуруҳларда давом этишини маълум қилади. 2.5. 3 та кичик гуруҳларга бўлади, кичик гуруҳда ишлаш қондаси билан таништирилади ва ишни бажариш йўриқномасини беради (4-илова). Ҳар бир гуруҳга топширик беради (5-илова) ва баҳолаш мезони билан таништирилади. (6-илова). 2.6. Гуруҳларда ишларни бошлашга руҳсат беради.</p>	<p>Кузатадилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар, маълумотларни дафтарга қайд қиладилар.</p> <p>Диккат қиладилар.</p> <p>Кичик гуруҳларга бўлинадилар.</p> <p>Ҳар бир гуруҳ ўз топширик варақлари бўйича фаолиятини бошлайди. Ҳар бир гуруҳ сардорлари чиқиб ўз ишларини</p>

	<p>2.7. Бажариш жараёнини кузатади, маслахатлар беради. 2.8. Ишга ажратилган вақт тугаганини маълум қилади, гуруҳлар тақдмотини ташкил этади. Гуруҳ аъзоларига диққат билан эшитишларини ва саволлар беришларини, шу билан бирга ўзаро бир-бирларини баҳолашларини эслатади. Жавобларни тўлдиреди ва қисқача хулосалар қилади.</p> <p>2.8. Гуруҳлар ишини ўзаро баҳолашни ўтказеди.</p>	<p>тақдим қилишларини айтади. Берилган қўшимча саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Гуруҳ иш натижаларини ўзаро баҳолайдилар.</p>
<p>3-босқич. Яқуний (10 дақ.)</p>	<p><b>Машғулотга яқун ясаш.</b></p> <p>3.1. Мавзу бўйича яқун қилади, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига ўқувчилар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Ўқувчилар фаолиятини ва белгиланган ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини таҳлил қилади ва баҳолайди</p> <p><b>Ўйга вазифа бериш.</b></p> <p>3.3. Қандай қандолат маҳсулотларини тайёрлашда шакар ишлатилмаслиги сабабларини аниқлаш бўйича вазифа беради.</p>	<p>Диққат қиладилар.</p> <p>Топширикни ўзадилар.</p>

1- илова

## Савол-жавоб саволлари

1. Ундан маҳсулот тайёрлашда қандай хомашё ишлатилади?
2. Қандолатпазга қандай билимлар керак?
3. Унинг сифат кўрсаткичлари қандай гуруҳланади?
4. Клейковина миқдорига қараб қандай хамир турлари тайёрланади?
5. Кучсиз ва кучли уни таърифланг.
6. Ошириладиган хамир тайёрлашда унинг газ ҳосил қилиш хусусияти қандай рол ўйнайди?
7. Крахмал сақлаш шароитини келтиринг.
8. Уни ишлашга тайёрлаш жараёнларини келтиринг.
9. Крахмал ишлашга қандай тайёрланади?





## ЯНГИ ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИ СЛАЙДЛИ ТАҚДИМОТИ

## 1 савол. Шакар ва қанд упаси

## Шакар

- Соф углерод — сахароза кўринишида бўлади.
- Саноат қуйидаги шакар маҳсулотлар турлаини ишлаб чиқаради:
- Кукунсимон шакар: қанд лавлаги ва шакаркамишдан олинади;
- Қанд-рафинад: рафинация (тозалаш) йўли билан шакардан тайёрланади;
- Қуйилган қанд-рафинад
- Шампан учун Сахароза.



## Шакар сифат кўрсаткичлари

Сахароза миқдори 99,7 %  
Намлиги 0,14%


Сувда батамом эриydi.  
Эрувчанлиги ҳароратта боғлиқ-  
1 л сувда 5 кг гача эриydi

Ёт таъм ва ҳид бўлмади

Мазаси ширин

Қўлга олиб ийлаб кўрилганида  
қуруқ

Гигроскопик ва ҳидларни ютади





Шакарни сақлаш ва ишлатишга тайёрлаш

Шамоллатиб туриладиган ҳавонинг нисбий намлиги 70 % бўлган қуруқ хонада сақланади

Ишлатишдан олдин шакар кўзи 3 мм ли элақда эланади

## қандута (шакар упаси)

Шакарни майда янчиш йули билан олинади

1003 кг шакардан 1000 кг қанд упаси олинади



Асал  
сифати

- Курук
- Ёт таъм ва хидлардан холи
- Узоқ вақт сақланса кристалланган

Асални  
ишлатишга  
тайёрлаш

- Кристалланган асал  $50-60^{\circ}\text{C}$  хароратли сув хаммомида аввалги ҳолига келгунча эритилади;
- Кўзлари 2 мм ли элакдан ўтказиб сузиб олинади.

Асални  
сақлаш

- Курук, салқин хонада;
- Моғорлаш белгилари пайдо бўлганда уни  $80-90^{\circ}\text{C}$  хароратдаги сув хаммомида қиздириб олиш

### 3 савол. Карамель патокаси (кйёми).

## Карамель патока (кйёми)

Бу крахмалли қишлоқлар иштирокида қандга айлангирини йузи қилари олинади, рангенз ёки оч сарик тусли чўзилувчан, қуюқ суяқликка эри.

Ишлатилиши:

- помада тайёрлашда, шакар боғланишдан сақлайди
- хамирга қўшилади, қотиб қолиш хавфисини сусайтиради

Сақлаш: - етён ёки металл бочкаларда  $8-20^{\circ}\text{C}$  хароратда

Ишлатишга тайёрлаш -  $40-50^{\circ}\text{C}$  гача қиздирилади ва кўзлари 2 мм ли элакдан ўтказиб сузиб олинади.

### Шакар, асал ва патоканинг хоссаларини фарқлаш концептуал жадвали

Хомашё тури	Хоссаларин				
	Таркиби	Ранги	Хомашё	Сувди эриши	Ҳолати
Шакар	Сахароза 99.7 % Сув 0.14 %	Оқ	Қанд лавлагин, шакар- қамши	Тўлиқ 1 л сувда 5 кг	Кристал кукуни
Асал	Сув 18 % Глюкоза 36% Фруктоза 37 % Сахароза 2 %	Оч сарғишдан тўқ жигар ранггача	Гул шираси- нектардан аселарилар	Тўлиқ	Қойишқоқ куюк суюқлик кристаллан- ган
Патока	Глюкоза Мальтоза	Рангсиз ёки оч сарик	Крахмал	Тўлиқ	Чўзилувчан куюк суюқлик

#### Гуруҳда ишлаш қондаларин:

- ҳар ким ўз ўртоқлари нутқини хушмуомалалик билан тинглаши зарур;
- ҳар ким фаол, биргаликда ишлаши, берилган топшириққа масъулиятли ёндашиши зарур;
- ҳар ким ёрдамга муҳтож бўлганда уни сўраши зарур;
- ҳар кимдан ёрдам сўралса, ёрдам қилиши зарур;
- ҳар ким гуруҳ иши натижаларини баҳолашда иштирок эттиши зарур.

#### Гуруҳда топшириқни бажариш йўриқномасин:

1. Гуруҳда лидерни сайланг.
2. Топширик билан танишинг ва уни қандай қилиб бажаришингизни муҳокама қилинг.
3. Топшириқни бажаринг.
4. Тақдимотга тайёрланг.
5. Тақдимот ўтказинг.
6. Гуруҳлар ишини баҳоланг.



## Гурухли иш учун ўқув топшириқ

## Ўқув топшириқ

## 1-гурух

Қандолат маҳсулотлар таркибида ортиқча шакар хамир ва маҳсулот сифатига қандай таъсир этади? Бунинг сабабларини келтиринг. Шакарга доир тест саволларни тузинг.

*Эслатма:* иш бажариш йўриқномасига амал қилинг.

## Ўқув топшириқ

## 2-гурух

Қандолат маҳсулотлар таркибидаги асал қандай қилиб маҳсулот хоссаларини ўзгартиради? Бунинг сабабларини келтиринг. Асалга доир тест саволларни тузинг.

*Эслатма:* иш бажариш йўриқномасига амал қилинг.

## Ўқув топшириқ

## 3-гурух

Патокадан фойдаланиш қандай натижа беради. Бунинг сабабини келтиринг. Патокага доир тест саволларни тузинг.

*Эслатма:* иш бажариш йўриқномасига амал қилинг.

6- илова

## Гурухлар ишини баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари

Гурух	Маълумотни тушунарлилиги ва аниқ жавоб Мах балл: 2 балл	Ишни тўлиқ бажарилиши Махбалл: 1 балл	Вақтга амал қилиш Мах балл: 1 балл	Гурух фаоллиги Мах балл: 1 балл	Жами Мах балл: 5 балл
1					
2					
3					

7- илова

## Мустақил ишлари учун вазифа:

Қандай қандолат маҳсулотларини тайёрлашда шакар ишлатилмаслиги сабабларини аниқланг.

2.1.3	<p style="text-align: center;"><b>“Тажриба, тайёрлов, бичув, тикув цехларида бажариладиган ишлар” мавзуси бўйича ўқув машгулотларда ўқитиш технологияси.</b></p> <p style="text-align: center;"><i>Убайдова В., Бухоро туман маъшиий хизмат ва сервис касб-хунар коллежи</i></p>
-------	--

### 1.1. Ўқув машгулотининг ўқитиш технологияси модели

<i>Машгулот вақти-2 соат</i>	Ўқувчилар сони: 25 –30 гача
<i>Машгулот шакли ва тури</i>	Назарий-янги bilimларни эгаллаш бўйича ўқув машгулоти
<i>Ўқув машгулот режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Тажриба цехида бажариладиган ишлар.</li> <li>2. Тайёрлов цехида бажариладиган ишлар.</li> <li>3. Бичув цехида бажариладиган ишлар.</li> <li>4. Тикув цехининг вазифалари</li> </ol>
<i>Ўқув машгулотининг мақсади:</i> тажриба, тайёрлов, бичув, тикув цехларида бажариладиган ишлар тўғрисидаги умумий тушунчаларни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> <li>– Тажриба цехининг вазифалари бўйича маълумот бериш;</li> <li>– Тайёрлов цехида бажариладиган ишларни ёритиб бериш;</li> <li>– Бичув цехидаги жихозлар билан таништириш;</li> <li>– Тикув цехининг вазифаларини тушунтириш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– Тажриба цехининг вазифалари хақида тушунчаларни айтиб берадилар;</li> <li>– Тайёрлов цехида бажариладиган ишларни санаб берадилар;</li> <li>– Бичув цехидаги жихозларни санаб берадилар;</li> <li>– Тикув цехининг вазифаларини тушунтирадилар.</li> </ul>
<i>Ўқитиш методлари</i>	маъруза, тушунтириш, намойиш, кўрсатиш.
<i>Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Ўқув кўлланма, проектор, слайд компьютер.
<i>Ўқитиш шарт шароити</i>	Махсус жихозланган ўқув хона
<i>Қайтар алоқанинг йўли ва воситалари</i>	Кузатиш, савол-жавоб.

### 1.2. Ўқув машгулотининг технологик харитаси


Фаолият босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	ўқувчилар



<p>1-босқич. Мавзуга кириш (15дақ.)</p>	<p><b>Ташкилий бошланиш.</b> 1.1. Ўқувчилар давомати ва дарсга тайёргарлигини текширади. <b>Мақсад ва вазифани белгиланиши.</b> 1.2. Мавзунинг номи, мақсади, режаси, режалаштирилган ўқув машғулот натижалари ва уни ўтказиш режаси, унда кўриладиган асосий саволлар моҳияти билан таништиради ва ёзиб олишларини айтади.</p>	<p>Диққат киладилар, ёзадилар.</p>
<p>2-босқич. Асосий (65дақ.)</p>	<p><b>Таянч билимларни фаоллаштириш.</b> 2.1. “Ўйланг-жуфтликларга бўлининг-фикрлар билан алмашинг” техникасини қўллаб ўқувчиларни фаоллаштиради: <i>Тажриба, тайёрлов, бичув, тикув цехларида қандай ишлар бажарилади?</i> 2.2. Жавобларни қабул қилади ва улар бўйича хулоса қилади. <b>Янги ўқув материалга кириш.</b> 2.3. Мавзу бўйича асосий назарий ҳолатлар баёнини слайдларни/ ровер роинт тартибда намоён қилиш орқали маълумотлар беради (1-илова). 2.4. Дафтарларга маълумотларни қайд этишларини элотади. 2.5. Ўқувчиларни янги мавзу бўйича қай даражада маълумотларга эга бўлганликларини назорат қилиш учун тезкор- савол ўтказди (2-илова).</p>	<p>Ўйлайдилар, саволларга жавоб берадилар</p> <p>Тинглайдилар</p> <p>Ёзиб оладилар.</p>
<p>3-босқич. Яқуний (10 дақ.)</p>	<p><b>Машғулотга яқун ясаш.</b> 3.1. Мавзунини умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, яқун ясайди, саволларга жавоб беради. <b>Ўйга вазифа бериш.</b> Ўз-ўзини назорат қилиш савол ва топшириқларига тайрланиш ва мавзу бўйича 10та тест саволлари тузиб қилиш вазифасини беради.</p>	<p>Диққат киладилар, саволлар берадилар</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

## ЯНГИ ҶЌУВ МАТЕРИАЛИНИНГ СЛАЙДЛИ ТАҚДИМОТИ

1 савол. Тажриба цехида бажариладиган ишлар.



### 1. Тажриба цехидаги асосий гуруҳлар

янги моделни ишлаб чиқарувчи расом  
модельер гуруҳи

буюм  
конструкциясини  
ишлаб чиқиш гуруҳи

андазаларни  
тайёрлаш гуруҳи

материалларни  
нормалаштириш  
гуруҳи

трафаретчилар ва  
технологлар гуруҳи



2 савол. Тайёрлов цехида бажариладиган ишлар  
Тайёрлов цехи асосий вазифасига кўра икки бўлимларига ажратилади:

### Биринчи бўлим

- келтирилган газламаларни тушириш
- газламаларни қабул қилиш
- қабул қилиб олинган газламаларни омборга жойлаштириш
- вақтинча сақлаш ишлари бажарилади

### Иккинчи бўлим

- газламаларни сифатини текшириш
- нуқсонларни аниқлаш
- газламаларни бўйи ва энини ўлчаш
- тўшама учун хиллаш ва ҳисоблаш

3 савол. Бичув цехида бажариладиган ишлар

Тайёрлов цехидан газламаларни қабул қилиб олиш

Авра, астар, котирмалик ва безак материалларни тўшап.


Тўшама сифатини текшириш, деталларнинг ноаниқ чизиқларини бўрлаш

Тўшаманин устки қаватларига номерлаган талонларин тикиб улаш ёки елим ёрдамида ёпиштириш

Буюм деталларини бичиш. Нуқсонли газламаларга бўрлама тайёрлаб бичиш. Бичиқ пачкаларини йиғиш ва комплекглаш. Бичиқ деталларини комплекглаш. Бичиқ деталларини номерлаш. Маршрут варақларини тўлдиритиш.

## ЯНГИ ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИНГ СЛАЙДЛИ ТАҚДИМОТИ

1 савол. Тажриба цехида бажариладиган ишлар.



## 1. Тажриба цехидаги асосий гуруҳлар

янги моделни ишлаб чиқарувчи расом  
моделёр гуруҳибуюм  
конструкциясини  
ишлаб чиқиш гуруҳиандазаларни  
тайёрлаш гуруҳиматериалларни  
нормалаштириш  
гуруҳитрафаретчилар ва  
технологлар гуруҳи



## 2 савол. Тайёрлов цехида бажариладиган ишлар

Тайёрлов цехи асосий вазифасига кўра икки бўлимларига ажратилади:

### Биринчи бўлим

- келтирилган газламаларни тушириш
- газламаларни қабул қилиш
- қабул қилиб олинган газламаларни омборга жойлаштириш
- вақтинча сақлаш ишлари бажарилади

### Иккинчи бўлим

- газламаларни сифатини текшириш
- нуқсонларни аниқлаш
- газламаларни бўйи ва энини ўлчаш
- тўшама учун хиёлати ва ҳисоблаш

## 3 савол. Бичув цехида бажариладиган ишлар

Тайёрлов цехидан газламаларни қабул қилиб олиш


Авра , астар , котирмалик ва безак материалларни тўшаи.

Тўшама сифатини текшириш, деталларнинг поанник чиқиқларини бўрлаш

Тўшаманинг устки қавақларига номерланган талонларни тикиб улаш ёки елим ёрдамиде ёпиштириш

Буюм деталларини бичиш. Нуқсонли газламаларга бўрлама тайёрлаб бичиш. Бичиқ пачкаларини йиғиш ва комплекташ. Бичиқ деталларини комплекташ. Бичиқ деталларини номерлаш. Маршрут варақларини тўлдириш.

#### 4. Тиқув цехининг вазифалари



2-илова

#### Тезкор- сўров саволлари:

1. Тиқувчилик фабрикасида қандай цехлар мавжуд?
2. Тажриба цехида қандай ишлар бажарилади?
3. Андозалар қайси кехда тайёрланади?
4. Газламалар нуқсонлари қайси цехда аниқланади?
5. Янги моделни ишлаб чиқиш қайси цехда бажарилади?
6. Бичув цехининг автоматлаштирилган жихозлари қайсилар?
7. Тайёр маҳсулотни ОТКдан ўтказиш қайси цехда бажарилади?
8. Тиқув цехида қандай операцияларни бажарадилар?

3-илова

#### Ўз- ўзини назорат қилиш савол ва топшириқлар.

1. Тажриба цехи қандай асосий гуруҳларни ташкил қилади?
2. Андозаларни тайёрлаш гуруҳи қандай вазифалари амалга оширадилар?
3. Тайёрлов цехи нечта бўлимларга бўлинади?
4. Тайёрлов цехининг икинчи бўлимида қандай ишлар бажарилади?
5. Бичув цехида бажариладиган операцияларни таснифланг.
6. Тиқув цехида қандай бўлимлар мавжуд?
7. Тиқув цехидаги бўлимларда қандай ишлар бажарилади?



2.1.4	<p align="center"><b>“Konstitutsiyaviy huquq” mavzusi bo'yicha o'quv mashg'ulotlarda o'qitish texnologiyasi</b></p> <p align="center"><i>Jumayeva F., Buxoro muxandislik texnologiyalar instituti qoshidagi 1-son akademik litseyi</i></p>
-------	--

### 1.1. O'quv mashg'ulotining o'qitish texnologiyasi modeli

<i>Mashg'ulot vaqti- 2soat</i>	O'quvchilar soni:30ta
<i>O'quv mashg'ulot shakli va turi</i>	Nazariy-to'liq o'quv mashg'uloti
<i>O'quv mashg'ulot rejas</i>	1. Konstitutsiyaviy huquq fanining predmeti, vazifasi. Konstitutsiyaning vujudga kelish tarixi. 2. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.
<i>O'quv mashg'ulotining maqsadi:</i>	Konstitutsiyaviy huquq fanining predmeti, vazifasi to'g'risida umumiy tushuncha va bilimlarni shakllantirish.
<i>Pedagogik vazifalar:</i> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Konstitutsiyaviy huquq fanining o'rnini va uning vazifalari bilan tanishtirish;</li> <li>• Konstitutsiyaning vujudga kelish tarixi va uning normativ hujjat sifatidagi ahamiyatini tushuntirish;</li> <li>• O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi uning qabul qilish jarayoni va mazmun mohiyatini ochib berish.</li> </ul>	<i>O'quv faoliyati natijalari:</i> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Konstitutsiyaviy huquq fanining predmeti mohiyati va vazifalarini tushuntiradilar;</li> <li>• Konstitutsiyaning vujudga kelish tarixi va uning normativ hujjat sifatidagi ahamiyatini aytib beradilar;</li> <li>• O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi uning qabul qilish jarayoni va mazmun mohiyatini aytadilar.</li> </ul>
<i>O'qitish metodlari</i>	Ma'ruza, suhbat, kitob bilan ishlash.
<i>O'quv faoliyatini tashkil etish shakllari</i>	Ommaviy, jamoaviy, guruhlarda ishlash.
<i>O'qitish vositalari</i>	Darslik, proektor, kompyuter, flipchart, marker, skotch, ekspert varaq, doska.
<i>O'qitish sharoiti</i>	O'TV bilan jihozlangan, guruhli ishlashga moslashtirilgan auditoriya.
<i>Qaytar aloqaning usul va vositalari</i>	Savol-javob

### 1.2. O'quv mashg'ulotining texnologik xaritasi

Faoliyat bosqichlari	Faoliyat mazmuni	
	o'qituvchi	o'quvchilar
I-bosqich. Kirish (5 daqiqa).	<p><b>Tashkiliy qism.</b></p> <p>1.1. O'quvchilarni davomatini va darsga tayorgarligini tekshiradi.</p> <p>1.2. Mavzuning nomi, maqsadi, rejalashtirilgan o'quv mashg'ulot natijalari va uni o'qitish usulini aniqlaydi.</p>	

	<p>bilan tanishtiradi va yozdiradi.</p> <p>1.3. Mashg'ulotni borish tartibi va baholash mezonlarini bilan tanishtiradi (1-ilova).</p>	<p>qiladilar, yozadilar.</p>
<p>II-bosqich. Asosiy (70 daqiq).</p>	<p><b>Yangi mavzu bayoni.</b></p> <p>2.1. Insert texnikasidan foydalanib darslikni mustaqil o'qish topshirig'i to'g'risida eslatadi. Ushbu mavzu bo'yicha yangi nimani bilganlari to'g'risida o'ylab ko'rishni taklif etadi, tezkor-so'rov o'tkazadi, bir necha javoblarni eshitadi va ish kichik guruhlarga davom etishini ma'lum qiladi.</p> <p><b>Yangi mavzuni mustaxkamlash.</b></p> <p>2.2. Ixtiyoriy belgi bo'yicha o'quvchilarni 3 kichik guruhlarga bo'ladi. Har bir guruh mavzuning bir savol bo'yicha "ekspertlar" bo'lishini va boshqalarni o'qitishini ma'lum qiladi. A32 qog'oz varaqlarini va ekspert varaqlarini tarqatadi va guruhlarda ishlarni tashkillashtiradi (3-ilova).</p> <p>2.3. Guruhlarda ishlash qoidasini eslatadi, yo'naltiradi, tushuntiradi (4-ilova).</p> <p>2.4. Taqdimotni boshlanishini ma'lum qiladi. Maslahatchi sifatida faoliyat yuritadi.</p> <p>2.5. Har bir kichik guruh taqdimotidan so'ng mavzu savoli mazmunidagi asosiy jihatlari bo'yicha o'quvchilar diqqatini jalab qilib, xulosalar qiladi.</p> <p>2.6. Ma'ruza rejasiga muvofiq mavzuning umumlashtiruvchi sharhini o'tkazadi, taqdimot vaqtida hal etilmagan savollarga javob beradi, o'quvchilar diqqatini ko'rgazmali materialdan foydalanib asosiylarga qaratadi (4-ilova).</p>	<p>Javob beradilar</p> <p>kichik guruhlarga bo'linadilar, ishlarni tashkillashtiradilar.</p> <p>Guruh sardorlari ko'rgazmali material orqali axborotlarni etkazadilar.</p> <p>Diqqat qiladilar.</p>
<p>III - bosqich. Yakuniy (5 daqiq).</p>	<p><b>Mashg'lot yakuni.</b></p> <p>3.1. Mavzuni umumlashtiradi, umumiy xulosalar qiladi, yakun yasaydi, savollarga javob beradi.</p> <p>3.2. Guruhlarga o'zaro baholash natijalarini ma'lum qilishlarini taklif qiladi. Natijalarni sharhlaydi.</p> <p>3.3. Mustaqil ish uchun vazifa beradi: savollariga og'zaki javob berish, vaziyatlarga izoh berish(5-ilova).</p>	<p>Diqqat qiladilar. Savol beradilar. Baholash natijalarini ma'lum qiladilar. Yozib oladilar.</p>



**Guruh ish natijalarini baxolash mezonlari**

<b>Ko'rsatkichlar</b>	<b>Maks.bal</b>	<b>Gurux ishi natijalarining baxosi</b>			
		<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>
Ma'lumotning to'liqligi	1				
Taqdimot (ma'lumotning chizmalı tarzda taqdim etilishi)	2				
Guruhning faollik darajasi (qo'shimchalar kiritish, savol-javoblar berish)	2				
<b>Ballarning maksimal xajmi</b>	<b>5</b>				

2-ilova

**GURUHLI ISH UCHUN O'QUV TOPSHIRIQLARI****Ekspert varaq****Konstitutsiya**

1. Konstitutsiyaning vujudga kelish tarixi.
2. Dunyo davlatlari Konstitutsiyalari.

*Eslatma:* topshiriqni bajarish yoriqnomasiga amal qiling.

**Ekspert varaq****Konstitutsiyaviy huquq fani**

1. Konstitutsiyaviy huquq fanining vazifalari.
2. Konstitutsiyaviy huquq normalarini.
3. Konstitutsiyaviy huquq normalari bilan tartibga solinadigan ijtimoiy munosabatlari.

*Eslatma:* topshiriqni bajarish yoriqnomasiga amal qiling.

**Ekspert varaq****O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi**


1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini qabul qilinishi.
2. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining tarkibiy tuzilishi.

*Eslatma:* topshiriqni bajarish yoriqnomasiga amal qiling.

## 2- savol. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.

### O'zbekiston respublikasi konstitutsiyasining tuzilishi.

*Konstitutsiyaning tuzilishi deb, ketma-ket maslashtirib joylashtirilgan Konstitutsiyaning ichki tarkibiy qismlariga aytiladi.*



Konstitutsiyaning muqaddimasi, Konstitutsiyaning qabul qilinishidan maqsad, uni ishlab chiqish va qabul qilishda amal qilingan g'oyalari va Respublikaning kelajak maqsadi belgilangan.

Konstitutsiyaning bo'limi va boblari alohida –alohida ijtimoiy munosabatlarni tartibga soluvchi me'riy hujjatlardan iborat. Bo'limlar yirik ijtimoiy munosabatlarga va institutlarni o'z tarkibiga olsa, boblar ularning yanada aniqroq kislarni tartibga soladi.

Bo'lim va boblarni aniqlashda, navbat bilan belgilashda ijtimoiy munosabatlarni o'zaro bog'liqligi, ularning turdoshligi hisobga olingan. Konstitutsiyaning moddalari alohida-alohida ijtimoiy munosabatlarni tartibga soluvchi qoidalardan iborat.



## Konstitutsiyani ishlab chiqish va qabul qilish jarayoni.

BU JARAYON QUYIDAGI BOSQIQLARDAN IBORAT.

*Konstitutsiya loyihasini tayyorlovchi komissiya tuzish.*

*Ishchi guruhlar tashkil  
nilish.*

*Loyihani tayyorlash.*

*Loyihani umumxalq muhokamasiga  
an`vish.*

*Umumxalq muhokamalari natijalarini e`tiborga olish.*

*Parlament qo`mita va kommissiyalarida muhokama qilish.*

*Parlament sessiyasida Loyihani muhokama qilish.*

*Konstitutsiyani qabul qilish, e`lon qilish va kuchga kiritish.*

### 5- ilova

#### O`z-o`zini nazorat qilish savol va topshiriqlari:

1. O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 4-moddasida «Davlat tili — o`zbek tili» ekanligini belgilangan. Davlat tili nima? Davlat tili to`g`risida qanday qonun hujjatlarini bilasiz?

2. «Xalq davlat hokimiyatining birdan bir manbayidir», degan satrlar Konstitutsiyaning qaysi moddasida berilgan? Bu jumlaning ma`nosini misollar bilan izohlab bering.

3. Siz yashayotgan hududda qanday muzeylar bor? Siz ularning qaysi biriga borgansiz?

4. O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga qachon va qanday o`zgartirish va qo`shimchalar kiritilgan? Nima sababdan?

5. 2008-yil 1-yanvardan Konstitutsiyaning qaysi moddalariga yana o`zgartirish va qo`shimchalar kiritiladi?

2.1.5	“Маркетинг асослари фанининг предмети, вазифалари, унинг ривожланиш босқичлари” мавзуси бўйича ўқув машгулотларда ўқитиш технологияси Бабаназарова С., Самарқанд молия – иқтисодиёт коллежи
-------	--

1.1. Ўқув машгулотининг ўқитиш технологияси модели	
Вақти 2 соат	Ўқувчилар сони: 25- 30га
Машгулот тури	Назарий - янги билимларни эгаллаш бўйича ўқув машгулоти
Ўқув машгулот режаси	1. Маркетинг тушунчаси ва моҳияти. 2. Маркетингни ривожланиш тарихи. 3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида маркетингнинг ўрни ва аҳамияти.
Ўқув машгулотининг мақсади: Маркетинг асослари фанининг предмети, вазифалари, унинг ривожланиш босқичлари тўғрисида умумий тушунчаларни шакллантириш.	
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• предметнинг вазифалари ва функциялари, ўқув фанлари тизимидаги ўрни ва аҳамияти билан таништириш;</li> <li>• маркетинг моҳияти ва аҳамиятини, унинг ривожланиши асосий босқичларини тўғрисида маълумот бериш;</li> <li>• Ўзбекистонда маркетинг фанининг ривожланиш тарихини ёритиб бериш;</li> <li>• Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида маркетингнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида маълумот бериш.</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• предметнинг вазифалари ва функциялари, ўқув фанлари тизимидаги ўрни ва аҳамиятини биладилар;</li> <li>• маркетинг моҳияти ва аҳамиятини, унинг ривожланиши асосий босқичларини тўғрисида берадилар;</li> <li>• Ўзбекистонда маркетинг фанининг ривожланиш тарихини айтадилар;</li> <li>• Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида маркетингнинг ўрни ва аҳамиятини билади.</li> </ul>
Ўқитиш методлари	Намойиш, суҳбат, мунозара.
Ўқитиш воситалари	Ўқув материали, слайдлар, компьютер тизими.
Ўқув фаолиятини таъкил этиш шакллари	Оммавий, жамоавий, гуруҳли.
Ўқитиш шарт-шароити	Гуруҳларда ишлашга, техник воситалардан фойдаланишга мўлжалланган аудитория
Қайтар алоқанинг усули ва воситалари	Тезкор-сўров, савол-жавоб.

### 1.2. Ўқув машгулотининг технологик харитаси



<i>Иш вақти ва босқичлари</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>ўқувчилар</i>
I-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	<p><b>Ташкилий бошланғич.</b></p> <p>1.1. Ўқувчилар билан саломлашади. Йўқлама қилади.</p> <p><b>Ўқув фанига кириш.</b></p> <p>1.2. Ўқув предметининг номини маълум қилади. Курснинг таркибий-манتيкий схемасини экранга чиқаради, мавзулар рўйхати ва уларга қисқача тавсиф беради. Предмет рейтингини ва жорий, оралик ва якуний назорат баҳолаш мезонлари билан таништиради (1-илова).</p> <p>1.3. Асосий адабиётлар билан таништиради рўйхатини беради.</p> <p><b>Мақсад ва вазифани белгилаш.</b></p> <p>1.4. Биринчи машғулот мавзуси, мақсади, вазифаларини ва ўқув фаолияти натижаларини билан таништиради.</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Тинглайдилар.</p> <p>Ёзиб оладилар.</p>
II Асосий босқич (55 дақ.)	<p><b>Таянч билимларни фаоллаштириш</b></p> <p>2.1. Тезкор- савол билан ушбу мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади (2-илова). Айтилган таклифларни доскага ёзади.</p> <p><b>Янги ўқув материалига кириш</b></p> <p>2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдлар намойиш қилинади ва шу тарика асосий назарий жиҳатлар очиб берилади.</p> <p>2.2. Слайдлар ёрдамида маркетинг тушунчасини, курснинг мақсади, вазифаларини ва моҳиятини тушунтириб беради (3-илова).</p> <p>2.3. Ўқувчилар билан “Маркетинг нима учун” деган фикрда мунозара олиб боради. (4-илова)</p> <p>2.4. Слайдлар ёрдамида маркетингнинг ривожланиш босқичларини, фан сифатида ривожланишини ва замонавий маркетинг хақида маълумотлар беради (5-илова).</p> <p>2.5. Ўзбекистон Республикаси иктисодиётида маркетингнинг ўрни хақида суҳбат ўтказилади. Мавзунинг ҳар бир пункти бўйича хулоса чиқаришда асосий эътиборни энг муҳим жиҳатларга қаратади.</p> <p>2.6. Мавзунинг доскада ифодаланган асосий</p>	<p>Маълум бўлган тушунчаларни айтадилар.</p> <p>Диккат қиладилар.</p> <p>Ёзиб оладилар.</p> <p>Мунозара қиладилар.</p> <p>Диккат қиладилар.</p> <p>Суҳбат қиладилар.</p>

2.1.5	<p>“Маркетинг асослари фанининг предмети, вазифалари, унинг ривожланиш босқичлари” мавзуси бўйича ўқув машгулотларда ўқитиш технологияси</p> <p><i>Бабаназарова С., Самарқанд молия – иқтисодиёт коллежи</i></p>
-------	--

### 1.1. Ўқув машгулотининг ўқитиш технологияси модели

Вақти 2 соат	Ўқувчилар сони: 25-30та
Машгулот тури	Назарий - янги билимларни эгаллаш бўйича ўқув машгулоти
Ўқув машгулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Маркетинг тушунчаси ва моҳияти.</li> <li>2. Маркетингни ривожланиш тарихи.</li> <li>3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида маркетингнинг ўрни ва аҳамияти.</li> </ol>
Ўқув машгулотининг мақсади: Маркетинг асослари фанининг предмети, вазифалари, унинг ривожланиш босқичлари тўғрисида умумий тушунчаларни шакллантириш.	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• предметнинг вазифалари ва функциялари, ўқув фанлари тизимидаги ўрни ва аҳамияти билан таништириш;</li> <li>• маркетинг моҳияти ва аҳамиятини, унинг ривожланиши асосий босқичларини тўғрисида маълумот бериш;</li> <li>• Ўзбекистонда маркетинг фанининг ривожланиш тарихини ёритиб бериш;</li> <li>• Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида маркетингнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида маълумот бериш.</li> </ul>	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• предметнинг вазифалари ва функциялари, ўқув фанлари тизимидаги ўрни ва аҳамиятини биладилар;</li> <li>• маркетинг моҳияти ва аҳамиятини, унинг ривожланиши асосий босқичларини тўғрисида сўзлаб берадилар;</li> <li>• Ўзбекистонда маркетинг фанининг ривожланиш тарихини айтадилар;</li> <li>• Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида маркетингнинг ўрни ва аҳамиятини билади.</li> </ul>
Ўқитиш методлари	Намойиш, сухбат, мунозара.
Ўқитиш воситалари	Ўқув материали, слайдлар, компьютер тизими.
Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари	Оммавий, жамоавий, гуруҳли.
Ўқитиш шарт-шароити	Гуруҳларда ишлашга, техник воситалардан фойдаланишга мўлжалланган аудитория
Қайтар алоқанинг усули ва воситалари	Тезкор-сўров, савол-жавоб.

### 1.2. Ўқув машгулотининг технологик харитаси





Иш вақти ва босқичлари	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	ўқувчилар
I-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	<p><b>Ташкилий бошланғич.</b></p> <p>1.1. Ўқувчилар билан саломлашади. Йўқлама қилади.</p> <p><b>Ўқув фанига кириш.</b></p> <p>1.2. Ўқув предметининг номини маълум қилади. Курснинг таркибий-манتيкий схемасини экранга чиқаради, мавзулар рўйхати ва уларга қисқача тавсиф беради. Предмет рейтингини ва жорий, оралик ва якуний назорат баҳолаш мезонлари билан таништиради (1-илова).</p> <p>1.3. Асосий адабиётлар билан таништиради рўйхатини беради.</p> <p><b>Мақсад ва вазифани белгиланиши.</b></p> <p>1.4. Биринчи машгулот мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Тинглайдилар.</p> <p>Ёзиб оладилар.</p>
II Асосий босқич (55 дақ.)	<p><b>Таянч билимларни фаоллаштириш</b></p> <p>2.1. Тезкор- савол билан ушбу мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади (2-илова). Айтилган таклифларни доскага ёзади.</p> <p><b>Янги ўқув материалга кириш</b></p> <p>2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдлар намойиш қилинади ва шу тарика асосий назарий жиҳатлар очиб берилади.</p> <p>2.2. Слайдлар ёрдамида маркетинг тушунчасини, курснинг мақсади, вазифаларини ва моҳиятини тушунтириб беради (3-илова).</p> <p>2.3. Ўқувчилар билан “Маркетинг нима учун” деган фикрда мунозара олиб боради. (4-илова)</p> <p>2.4. Слайдлар ёрдамида маркетингнинг ривожланиш босқичларини, фан сифатида ривожланишини ва замонавий маркетинг хақида маълумотлар беради (5-илова).</p> <p>2.5. Ўзбекистон Республикаси иктисодиётида маркетингнинг ўрни хақида суҳбат ўтказади. Мавзунинг хар бир пункти бўйича хулоса чиқаришда асосий эътиборни энг муҳим жиҳатларга қаратади.</p> <p>2.6. Мавзунинг доскада ифодаланган асосий</p>	<p>Маълум бўлган тушунчаларни айтадилар.</p> <p>Диккат қиладилар.</p> <p>Ёзиб оладилар.</p> <p>Мунозара қиладилар.</p> <p>Диккат қиладилар.</p> <p>Суҳбат қиладилар.</p>

	тушунчалари рўйхатига кайтишни таклиф этади. Ўқувчилар билан биргаликда уларнинг рўйхатини аниқлаштиради, зарур асосий тушунча ва атамаларни кўшади.	
III- босқич. Яқуний (20 дақ.)	<p><b>Машгулотга якуни ясаш.</b></p> <p>3.1. Мавзунинг кўриб чиқилган режалари бўйича яқуний хулоса чиқаради</p> <p>3.2. Ўқувчилар фаолиятини ва кўйилган мақсадга эришиш даражасини тахлил қилади ва баҳолайди.</p> <p>3.3. Мавзунинг қолган масалаларини кўриб чиқиш кейинги амалий машгулотда давом етказилишини маълум қилади.</p> <p><b>Уйга вазифа бериш.</b></p> <p>3.4. Мустақил ишлаш назорат саволларига тайёрланиб келиш вазифасини беради. (7-слова)</p>	<p>Тинглайдилар ва саволлар берадилар</p> <p>Уй вазифасини ёзиб оладилар.</p>



## «Маркетинг» ўқув предмети бўйича тузилмавий-маантиқий схема





2-илова

**Тезкор савол – жавоб учун саволлар**

1. Бозор ва унинг қандай турларини биласиз?
2. Талаб ва таклиф нима?
3. Товар нима?
4. Ишлаб чиқариш нима?

3-илова

## ЯНГИ ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИ СЛАЙДЛИ ТАҚДИМОТИ

**1 савол. Маркетинг тушунчаси ва моҳияти**

**Курснинг асосий мақсади:**

Таълим олувчиларда фирма фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришга маркетинг ёндашуви амалиёти, методологияси ва назарияси ҳақида, замонавий маркетинг механизми ўзига хосликлари ва унинг бозорда фирмалар рақобатли позицияларига таъсири ҳақида билимлар шакллантириш.



Курснинг  
вазифалари:

- маркетинг бўйича назарий билимлар билан қуролланиш;
- олинган назарий билимларни амалий фаолият жараёнида қўллаш кўникма ва тажрибаларини шакллантириш

Маркетингда қуйидаги асосида атамалар ва тушунчалар ўтади:

муҳтожлик	инсон ҳис қиладиган бирон нарса еттимаслиги ҳисси
эҳтиёж	шахснинг маданий даражаси ва шахсиятига мувофиқ махсус шаклга эга бўлган муҳтожлик;
толаб	харид лаёқати билан таъминланган эҳтиёж;
товар	муҳтожлик ёки эҳтиёжни қондириши мумкин бўлган ва бозорги эътиборни жалб қилиш, харид қилиш, фойдаланиш ёки истеъмол қилиш мақсадиди тақлиф этиладиган ҳамма нарса;
айирбошлаш	бирон-бир кишидан эвазига бошиқа нарса тақлиф қилган ҳолда керакли объектни олиш ҳаракати;
битим	икки томон ўртасида моддий бойликларни тижорат айирбошланиш;
бозор	товарнинг маъжуд ва потенциал харидорлари мажмуи.

### Маркетинг моҳияти

- ТХД қисқариши ва техник янгиликлар киритишни асослаб берган ФТТ тезлашуви
- Сотувни ташкил қилиш билан боғлиқ муаммолар
- Сотув бозорлари учун рақобатнинг кучайиши
- Энергия тежайдиган технологияларнинг янги турларига талаб кучли бўлишига олиб келган энергетика-хомашё муаммоларининг
- Истеъмолчилар томонидан таклиф этилаётган товарларнинг сифат тавсифларига нисбатан оширилган талаблари
- Фирмани бошқариш соҳасида стратегик қарорларни тезкор қабул қилиш мезонлари ишлаб чиқишни талаб қиладиган бозордаги конъюнктуранинг ноаниқлик даражаси умумий ортиши.

4-илова

#### Мунозара учун саволлар:

1. Маркетинг нима учун керак?
2. Ташкилот ва фирмалар маркетингни (сотишни) ташкил этилганми?
3. Сизнингча маркетинг ташкил этишда нималарга эътибор бериш керак?



## 2 савол. Маркетингнинг ривожланиш тарихи

## Маркетинг ривожланиш тарихидаги асосий фурсатлар

Йиллар	Маркетинг ривожланиш жараёни
1902 йил	АҚШ да маркетинг курсига мустақил шаклда ўқитишнинг бошланиши
1908 йил	Тижорат маркетинги ташкилоти тузиш. АҚШнинг йирик савдо компанияларида маркетинг бўлимлари ташкил қилиниши
1920 йил	Халқаро савдо палатаси ташкил этиш
1926 йил	АҚШда миллий ва реклама ассоциацияси таъсис этилиши, унинг келгусида Америка маркетинг ассоциацияси деб номланиши
1930-1940 йиллар	Дунёнинг иқтисодиёти ривожланган кўплаб мамлакатларда миллий маркетинг ассоциациялари ташкил этилиши
1950-1960 йиллар	Халқаро маркетинг ассоциацияси, Жамоатчилик фикри масалалари, Маркетинг бўйича Европа жамияти ва Европа маркетинг академияси каби халқаро маркетинг ташкилотлари ташкил этилиши
1980 йил-нинг 2-ярми	Мамлакатнинг иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида маркетинг курсига ўқитила бошлаши
1990 йил охири	Маҳаллий муаллифларнинг маркетинг бўйича хорижий адабиётларни чоп этиши

Маркетинг вужудга келиши ва ривожланишнинг иқтисодий шарт-шароитлари

Фирма фаолиятини бошқаришнинг бозор концепцияси;

Якуний истеъмолчилар сўровларига йўналганлик;

Бозорларнинг фирма бизнесини кенгайтириш ва оптималлаш мақсадларига мувофиқ шаклланиши;

Компанияда тадбиркорликка ёндашув, фикрлаш тарзи, фалсафа;

Фирманинг товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиб бериш бўйича маркетинг фаолияти.

Маркетингнинг фах сифатида ривожланиши

Йиллар	Назарий асослар	Усуллар	Қўлланиш соҳаси
1900-1950	Товарни ўрганиш, таксимотга йўналганлик, экспорт ва сотув назарияси	Кузатув, истеъмол ва сотув тахлили, эҳтимоллар ҳисоб-китоби, истеъмол панели	Оммавий товар ишлаб чиқариш, кишлоқ хўжалиги тармоғи
1960	Сотувни ўрганиш, товарга йўналганлик, сотув хажмлари, дистрибуто-торлик назарияси	Мотивлар тахлили, тадқиқотчилик фаолияти, моделлаштириш	Истеъмол воситалари истеъмолчилари
1970	Хулқ-атвор илмий асослари ва қарорлар қабул қилиш	Факторинг, дискриминант тахлили, математик усуллар, маркетинг моделлари	Истеъмол воситалари ва ишлаб чиқариш воситалари истеъмолчилари
1980-1990	Ҳолат тахлили, маркетингни менежмент функцияси сифатида ўрганиш, рақобат тахлили назарияси, экология асослари, стратегик маркетинг	Жойлаштириш, кластер тахлили, истеъмолчилар типологияси, экспертиза, сабаб-оқибат алоқалари тахлили	Истеъмол воситалари, ишлаб чиқариш воситалари, хизматлар соҳаси, фойдага эга бўлмаган ташкилотлар истеъмолчилари
1990 йилдан ҳозирги пайтгача	Тадбиркорлик қуроли, маркетингни менежмент функцияси сифатида ўрганиш, бозор тармоқлари назарияси, ўзаро алоқалар ва коммуникациялар назарияси, ижтимоий ва экологик самарага йўналганлик	Жойлаштириш, кластер тахлили, рақобатчилар типологияси ва истеъмолчилар хариди мотивлари моделлари, бенчмаркинг, ўйинлар назарияси	Ишлаб чиқариш воситалар, истеъмол воситалар, хизматлар соҳаси, фойдага эга бўлмаган ташкилотлар истеъмолчилари, давлат тадбиркорлари



**Маркетинг  
концепцияси бу -**

*мажбур ҳатийёларни қондириши ва фойда олиши учун  
бозорда маъқул келадиган таклиф яратиши бўйича  
компания вазифаларини ҳал қилишига энг умумий  
ёндашувлар*

**Маркетинг эволюцияси Ф. Котлернинг бешта машҳур концепцияси  
билан айнан бир деб қаралади:**

**Ишлаб чиқаришни  
такомиллаштириши  
концепцияси**

*ишлаб чиқаришни такомиллаштириши ва тақсимлот  
самарадорлигини ошириши унинг асосида ётади.*

**Товарни  
такомиллаштириши  
концепцияси**

*истеъмолчилар энг яхши эксплуатацион хусусиятлар ва  
тавсифномага эга бўлган, энг юқори сифатли товарларни  
харид қилади, демак, фирма барча саъй-ҳаракатларни  
товарни такомиллаштиришига мужассам этишни лозим.*

**Тижорат  
ҳаракатларини  
жадаллаштириши  
концепцияси**

*агар ташиқлот сотувни рағбатлантириши соҳасида  
сезиларли ҳаракатлар амалга оширмаса, истеъмолчилар бу  
ташиқлотдан товарни етарли миқдорда сотиб олмайди.*

**Анъанавий  
маркетинг  
концепцияси**

*мақсадли бозорларнинг ҳатийёларини аниқлаш ва  
самаралироқ маркетинг тадбирларидан фойдаланиши  
ҳисобига истеъмолчилар қониққанлигини таъминлиги  
асосланади.*

**Ижтимоий-  
этика маркетинги  
концепцияси**

*мақсадли бозорлар ҳатийёларини аниқлаш ва  
истеъмолчиларнинг кўнглидагидек қониққанлик  
даражасини самаралироқ усуллар ёрдамида таъминлаш  
билан бир пайтда бутун жамият фаровонлигини  
таъминлаш.*

**Маркетинг концепцияси шаклланишининг эволюцияси ва ривожланиши**

Йиллар	Концепция	Асосий гоя	Асосий воситалар	Асосий мақсад
1860-1920	Ишлаб чиқариш концепцияси	Имкон борича ишлаб чиқариш	таннарх, меҳнат унумдорлиги	ишлаб чиқаришнинг такомиллаштириши, сотув ҳажмининг ошириши
1920-1930	Товар концепцияси	Сифатли товар ишлаб чиқариш	Товар сўёсати	Истеъмол товарларининг такомиллаштириши
1930-1950	Сотув концепцияси	Сотув каналлари ва сотув тармоғининг ривожлаштириши	Сотув сўёсати	Товарлар сотувининг кучайтириши
1960-1980	Аъганавий маркетинг концепцияси	Истеъмолчиға керакли нарсалар ишлаб чиқариш	Маркетинг-микс мажмуи, истеъмолчи тадқиқотлари	Мақсад бозор эҳтиёжларининг тадқиқ этиши
1980-1995	Ижтимоий-этика маркетинги концепцияси	Истеъмолчи учун зарур бўлган жамият талабларининг ҳисобга олган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш	Маркетинг-микс мажмуи, ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар кўрсатиши, истеъмол билан боғлиқ экологик ва ижтимоий оқибатлар тадқиқотлари	Мақсадли бозор эҳтиёжларининг қондириши
1995 йилдан ҳозирги пайтгача	Ўзаро этика маркетинги концепцияси	Бизнес бўйича ҳамкорлар ва истеъмолчилар эҳтиёжларининг қондирадиган товарлар ишлаб чиқариш	Маркетинг-микс мажмуи, интеграция ва тармоқ таҳлили, мувофиқлаштириш усули	



Замонавий  
маркетинг бу --

харидорлар талаблари ва муайян бозор сегменти талабларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, аниқланган талабларга мувофиқ янги товар ишлаб чиқиш, уни сотишни ташкил қилиш, жумладан, реклама ва сотувни рағбатлантириш тадбирлари, товар ҳаракати каналларини аниқлашга асосланган, товар ишлаб чиқариш ва сотувни бошқаришнинг илмий ишлаб чиқилган концепцияси.

6-илова

### Ўзини-ўзи текшириш учун назорат саволлари

1. «Маркетинг» тушунчасига тавсиф беринг.
2. Маркетинг ривожланишининг асосий боскичларини айтиб беринг.
3. Маркетинг моҳияти нимадан иборат?
4. Маркетинг концепцияси нимани ифодалайди?
5. Асосий маркетинг концепциялари хақида гапириб беринг.
6. Маркетинг корхонага қандай имкониятлар беради?

2.1.6	“Маркетинг стратегияси ва режалаштириш. маркетинг дастури” мавзуси бўйича ўқув машгулотларда ўқитиш технологияси <i>Бабаназарова С., Самарқанд молия-иқтисодийёт коллежи</i>
-------	--

### 1.1. Ўқув машгулотининг ўқитиш технологияси модели

<i>Вақти- 2 соат</i>	<i>Ўқувчилар сони: 25 - 30 та</i>
<i>Машгулот шакли</i>	Назарий -тўлик ўқув машгулоти
<i>Ўқув машгулоти режаси</i>	1. Маркетингни режалаштириш. 2. Маркетинг стратегиялари. 3. Маркетинг дастури.
<i>Ўқув машгулоти мақсади:</i> Маркетинг стратегияси ва режалаштириш, маркетинг дастури бўйича умумий тушунча ва билимларни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> • маркетингда режалаштиришнинг мақсад ва вазифаларини ёритиб бериш; • маркетинг стратегиялари бўйича маълумотлар бериш; • стратегик режалаштиришнинг асосий тамойилларини тушунтириш; • маркетинг дастури хақида маълумот бериш.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> • маркетингда режалаштиришнинг мақсад ва вазифаларини айтадилар;  • маркетинг стратегиялари хақида айтиб берадилар; • стратегик режалаштиришнинг асосий тамойилларини санаб берадилар; • маркетинг дастурини билади ва тавсифлайди.
<i>Ўқитиш методлари</i>	Маъруза, тушунтриш, йўриқнома, Инсерт
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Ўқув материали, график органайзер: “Венн” диаграммаси, ватман, маркерлар, эксперт варақлар.
<i>Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий, гуруҳли.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган, аудитория
<i>Қайтар алоқанинг усул ва воситалари</i>	Савол-жавоб, назорат саволларни.

### 1.2. Ўқув машгулотининг технологик харитаси

<i>Иш вақти ва босқичлари</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>ўқувчилар</i>
1-босқич. Мавзуга кириш	Ташкилий бошланиш. 1.1. Ўқувчилар билан саломлашади. 1.2. Йўқлама қилади.	Машгулотга тайёрланадилар.
	Машгулотга	



(5 дақ.)	<p>тайёргарликларини текширади.  <b>Мавзуга кириш.</b>          1.2. Мавзунинг унинг мақсади ва режалаштирилган ўқув натижаларини, машгулот ўтказиш режасини маълум қилади.          1.3. Машгулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.</p>	<p>Танишадилар,          ёзиб оладилар.</p> <p>Диккат қиладилар.</p>
<p>2-босқич          Асосий          босқич          (65 дақ.)</p>	<p><b>Таянч билимларни фаоллаштириш.</b>          2.1.Топширикни эслатади: «Инсерт» техникасини қўллаган ҳолда маъруза матнини мустақил ўқиш.          2.2.Қуйидаги саволларга жавоб беришни таклиф этади:  <i>1.Маркетингни режалаштириш деганда нима тушунасиз?</i>  <i>2. Маркетинг стратегиялари нима?</i>  <i>3. Маркетинг дастури нима?</i>          2.3. Жавобларни қабул қилади ва уларни умумлаштиради.  <b>Янги ўқув материалга кириш.</b>          2.3. Слайдлар орқали мавзу моҳиятини ёритиб беради.(1-илова). Жалб қилувчи саволлар беради.          2.4. Ўқувчилар билан бирга стратегик ва тактик режалаштиришни қиёсий таҳлилни ўтказди (Венн диаграммаси).  <b>Материални мустаҳкамлаш ва қайтариш.</b>          2.4. Машгулот жуфтлик шаклда давом этишини маълум қилади ва Ўқувчиларни ихтиёрий белги бўйича жуфтликларга ажратади.          2.5. Ўқув топширик мазмунини, унга ажратилган вақт ва уни бажариш юзасидан маълумот беради.          2.6. Ўқув топширикларни беради ва ишни ташкиллаштиради (3-илова).          2.7. Кузатади, йўриқномалар беради, йўналтиради, ажратилган вақтга риоя қилишларини айтади.          2.8. Такдимот бошланганини эълон қилади.          2.9. Такдимот давомида жавобларни тўлдирди, аниқлаштиради, тўғирлайди.</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар</p> <p>Жуфтликларга бўлинадилар.</p> <p>Қиёсий таҳлил қиладилар.</p> <p>Диккат қиладилар.          Ўқув топширикларни оладилар, бажаришга киришадилар.</p> <p>Ўқув топширигини бажарадилар.</p> <p>Натижалар тақдимотини ўтказадилар.</p>

3-босқич. Яқуний (10 дақ.)	<b>Машгулотга яқун ясаш.</b> 3.1. Мавзу бўйича яқун ясади, эътиборни асосий жihatларга қаратади. 3.2. Ўқувчилар ишини баҳолайди. <b>Уйга вазифа бериш.</b> Ўтилган мавзунини қайтариб келиш вазифасини беради.	Диккат қиладилар.  Уй вазифасини ёзиб оладилар.
----------------------------------	--	---

1-илова


## ЯНГИ ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИ СЛАЙДЛИ ТАҚДИМОТИ

### Исвол .Маркетингнинг режалаштириш


Режалаштириш қўйидаги талаблар асосида амалга оширилиши

№	Талаблар	Уларни таснифи (моҳияти)
1	Тизимли ёндашиш	Режалаштиришда кўп даражали ва ўзига хос хусусиятли ижтимоий – иқтисодий тизим мавжудлигини ҳисобга олиш
2	Комплекс ёндашиш	Режалаштирилаётганда ижтимоий – иқтисодий тизимни ички – ташқи муҳитга таъсирини назарда тутиш
3	Ресурсларнинг чегараланганлиги	Қайта тикланадиган ва тикланмайдиган ресурсларни тежаб – тергаб ишлатиш
4	Кўп вариантлик	Мақсадга эришишнинг бир неча вариантини кўзда тутиш
5	Энг самаралисини танлаш	Кўрилаётган вариантлар ичидан энг самарали маълум вақт ичида натижа берадиганини танлаш
6	Келишилганли	Мукобил вариантлар кўрсаткичини таққослаш мумкин бўлган ўлчовга келтириш
7	Динамиклик	Техник – иқтисодий кўрсаткичларини асослашда вақт омилини ҳисобга олиш.





## 2 савол. Маркетинг стратегиялари.




### 3. Маркетинг дастури.

Тор маънода маркетинг дастури – корхонанинг бозордаги муайян фаолият турини тавсифлайдиган ҳужжатдир.

Кенг маънодаги маркетинг дастури бу – корхона имкониятларини бозор шaroитларига мослаштиришга йўналтирилган режалаштириш, таҳлил ва назорат қилиш жараёни.

*Маркетинг дастури бу – корхона умум хўжалик фаолиятига кўрсатма-режалар тузиш учун асос ҳисобланади.*

Маркетинг дастури маркетинг тадқиқотлари ва корхона имкониятларини баҳолаш асосида тузилади. Гарчи дастур тавсия характерида бўлсада, у корхонани стратегик режалаштиришнинг зарурий босқичи ҳисобланади.





## Маркетинг дастури ишлаб чиқиш жараёни

### *Корхонанинг маркетинг дастури структураси*

#### **Корхона имкониятлари таҳлили**

Фаолият, шaroитлар, ресурслар, самарали натижаларга эришиш йўналишлари, корхонанинг ички ва ташқи муҳитини таққослаш.

#### **Ривожланиш мақсадларини аниқлаш**

Бозорда фойдалиликка, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишнинг устувор мақсадларига эришиш йўлларини аниқлаш.

#### **Стратегия ишлаб чиқиш**

Молиявий, меҳнат, моддий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича узок муддатли мақсадларни аниқлаш, маркетинг воситалари, бозор сегментлари.


#### **Режа ишлаб чиқиш**

Ишлаб чиқаришни амалга ошириш натижалари, нарх шаклланиши кадрлар, реклама ва сотув, молия, харажатларни режалаштириш тизими

#### **Назорат**

уч шаклда амалга оширилади:

- Стратегик назорат – корхона маркетинг фаолиятини хар томонлама тафтиш қилиш асосида корхонанинг белгиланган вақт давомида бозордаги реал ҳолатга мослигини аниқлаш
- Йиллик режа назорати – сотув ҳажми, бозор улуши, истеъмолчиларнинг товарга муносабати ва ҳ.к. таҳлили;
- Рентабеллик назорати – фойдани харажатларга нисбатан таққослаш.



## Ўқув топширик

## Ўқув топширик

*Топшириқ мазмуни.* Стратегик ва тактик режалаштиришнинг қиёсий таҳлилини ўтказинг.

*Эслатма:* Венн диаграммаси ёрдамида қиёсий таҳлил қилинг.

## Топшириқни бажариш юзасидан йўриқнома:

1. Алоҳида топшириқ билан танишиб чиқинг.
2. Бир-бирингиз билан фикр алмашинг.
3. Умумий жавобни ёзинг.
4. Тақдимотга тайёрланг.
5. Тақдимот ўтказинг.



2.1.7	<p>“Биология фанининг кишлоқ хўжалик, тиббиёт, саноат, ўрмончилик, балиқчилик, табиатни муҳофаза қилишдаги аҳамияти” мавзуси бўйича ўқув машгулотларда ўқитиш технологияси</p> <p><i>Офтобхўжаева Х., Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги иқтисодли болалар академик лицейи</i></p>
-------	--

**1.1. Ўқув машгулотининг ўқитиш технологияси модели.**

Ўқувчилар сони: 30	Вақти: 2 соат
Ўқув машгулот шакли ва тури	Назарий-янги билимларни эгаллаш бўйича ўқув машгулот.
Ўқув машгулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўқув предметига кириш.</li> <li>2. Биология фанлар тизими.</li> <li>3. Биологиянинг илмий-тадқиқот усуллари ва унинг муаммолари.</li> <li>4. Биология фанининг назарий ва амалий аҳамияти.</li> <li>5. Ҳаёт хоссалари.</li> <li>6. Таъсирланиш ва тирикликнинг хоссалари ҳамда ҳаётнинг тузилиш даражаси.</li> </ol>
<i>Машгулотнинг мақсади:</i> Биология фанининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, унинг қонуниятлари бўйича тушунчаларни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>
Биология фанлар тизими билан таништириш;	Биология фанлар тизимини айтиб берадилар;
Биологиянинг илмий - тадқиқот усул ва муаммоларини кенг ёритиб бериш;	Биологиянинг илмий - тадқиқот усуллари ва унинг муаммоларини тартибли равишда очиб берадилар;
Биология фанининг назарий ва амалий аҳамиятини мисоллар орқали очиб бериш;	Биология фанининг назарий ва амалий аҳамиятини биладилар;
Ҳаёт хоссалари билан таништириш;	Тирик табиатнинг хоссаларини ҳамда ўз-ўзини яратиш хоссасини айтиб берадилар;
Таъсирланиш ва тирикликнинг хоссалари ҳамда ҳаётнинг тузилиш даражасини тушунтириш.	Таъсирланиш ва тирикликнинг хоссалари ҳамда ҳаётнинг тузилиш даражасини айтиб берадилар;
<i>Ўқитиш методлари</i>	Маъруза, тушунтириш, намоиш.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Мавзу матни, слайдлар, проктор тоифалаш жадвали, инсерт жадвали, плакатлар.
<i>Ўқув фаолиятининг таъкил этиш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий.

Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Қайтар алоқанинг усул ва воситалари.	Савол-жавоб, тезкор сўров.

### 1.2. Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	ўқувчилар
I-босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	<p><b>Ташкилий бошланиш.</b></p> <p>1.1. Ўқувчилар давомати ва дарсга тайёргарлигини текширади.</p> <p><b>Мавзуга кириш.</b> Фан бўйича ўтиладиган мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида маълумот беради.</p> <p>1.2. Фан якунида қўйиладиган баҳолаш мезонлари билан таништиради (1-илова).</p> <p>1.3. Биринчи ўқув машғулотни мавзуси ва режаси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.</p>	<p>Дарсга тайёрланадилар.</p> <p>Диккат қиладилар.</p> <p>Ёзадилар.</p>
II- босқич. Асосий (60 дақиқа)	<p><b>Ўқувчилар билимининг фаоллаштириш.</b></p> <p>2.1 Таянч билимларини аниқлаш ва ривожлантириш мақсадида “Блиц- сўров” дан фойдаланилади. (2-илова) Ўқувчилар томонидан айtilган фикрларни умумлаштиради.</p> <p><b>Янги ўқув материал баёни.</b></p> <p>2.2. Машғулотни режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намоён қилиш билан олиб борилади (3-илова)</p> <p>2.3. Мустаҳкамлаш учун куйидаги саволларни беради:</p> <p>1. Биология фанида қандай илмий-тадқиқот усулларидан фойдаланилади?</p> <p>2. Биология фанининг назарий ва амалий аҳамияти нимада?</p> <p>3. Биология фани олдида ечимини кутаётган қандай муаммолар бор?</p> <p>4 Ҳаётнинг қандай тузилиш даражаларини биласиз?.</p> <p>2.4. Жавобларни қабул қилади ва умумлаштиради.</p> <p>2.5. Мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.</p>	<p>Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.</p> <p>Кузатадилар, ёзиб оладилар.</p> <p>Эркин фикрнинг баён этади.</p> <p>Диккат қиладилар.</p>
III. Якуний	Машғулот якуни.	Диккат



босқич (10 дакика).	3.1 Ўқувчиларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади. Уйга вазифа бериши. 1.“Хужайра ва хужайра назарияси” мавзусини ўқиб инсерт жадвали ёрдамида белгилаш топшириғи берилади. 2.Хаётнинг тузилиш даражаларини тоифаларга ажратиб тоифалаш жадвалида ифодалаб келиш (4-илова).	киладилар.  Вазифани ёзиб оладилар.
---------------------------	--	---

1-илова

**Фан бўйича ўқувчиларни ўзлаштириш, баҳолаш мезонлари**

Назорат шакллари		Жами баллар
Ўқув йилининг 1-ярим йиллиги учун.		
1. Жорий баҳолаш (30балл): а) Тингловчининг маъруза ва амалий машғулотдаги активлиги; 10балл б) Уй вазифасини бажариш; 10балл в) Берилган топшириқларни бажариши (реферат, жадваллар, слайдлар тайёрлаш ва х. к.) 10балл		30 балл
2. Оралик назорат (назорат иши ва тестлар ўтказиш) 2-га		20 балл
3. Якуний назорат (ёзма иш, тест ва бошқа турдаги назоратларни ўтказиш)		30 балл
Жами:		100 балл
Ўзлаштириш кўрсаткичлари	Баҳо	
85,01 – 100	“Аъло”	
70,01 – 85	“Яхши”	
55,01 – 70	“Ўрта”	
55 гача	“Кониқарсиз”	

2-илова

**Тезкор сўров саволлари.**

- 1.Биология нимани ўрганади?
- 2.Тирик организмларга нималар киради?
3. Тирик организмларнинг қандай ўзига хос хусусиятларини биласиз?
- 4.Куйи курсларда биологиянинг қандай бўлимларини ўргангансиз?
- 5.Барча тирик организмлар тузилишидаги умумийликнимадан иборат?

## ЯНГИ ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИНГ СЛАЙДЛИ ТАҚДИМОТИ

## 1 савол .Биология фанлар тизими

БИОЛОГИЯ – юнонча сўз бўлиб bios –ҳаёт, logos – фан демакдир






## 2 савол. Биология фаннинг илмий-тадқиқот усуллари.

Кузатиш методи	Экспериментал метод	Моделлаштириш методи	Тарихий метод	Таққослаш методи
Организмлар ва уларнинг атрофидаги муҳитда рўй берадиган hodисаларни тасвирлаш ва таҳлил қилиш имконини беради. Бу метод фаннинг илк ривожланиш даврида қўлланилган.	Тирик табиатдаги организмлардаги воқеа – hodисалар, биологик тадқиқодлар олиб борилади.	Тирик табиатдаги бирор воқеа hodиса ёки унинг муҳим жаҳатлари модел тарзида қайта тиклаб ўрганишдан иборат. Тасвирли модел математик белгиларга айлантирилади ва маълум вақтдан кейини унда қандай ўзгаришлар рўй бериши мумкинлиги электрон ҳисоблаш машинаси ёрдамида аниқланади. Бу метод орқали табиатда келгусида рўй берадиган воқеа – hodисаларни олдиндан билиш имконини беради.	Турли систематик гуруҳлар организм ва унинг органла-рини тарихий жараёнда пайдо бўлиш қонуниятларини ўрганади.	Ҳозирги пайтда турли систематик гуруҳлар, тирик организм жамоалари, организмлар ва уларнинг таркибий қисмларидаги ўхшашлик ва фарқларни таққослаб ўрганади.


### Биология фаннинг муаммолари



### 3 савол. Биология фанининг назарий ва амалий аҳамияти.


Фанининг назарий аҳамияти		Фанининг амалий аҳамияти
Биотик ва абиотик алоқалар устида кузатиш олиб бориш	1	Сермахсул ўсимлик навлари ва ҳайвон зотларини яратиш
Овчилик, мўйначилик билан шугулланишда биологик билимга эга бўлиш	22	Ўрмон хўжалигини юритиш, Алмашлаб экишни жорий этиш
Одамдаги ирсий касаллик сабабларини аниқлаш	33	Озик маҳсулотларини синтез қилиш
Ген инженерияси ва биотехнологияни ривожлантириш	44	Зараркунандаларга қарши курашиш

### 5 савол. Ҳаёт хоссалари.





## Таъсирланиш ва тирикликнинг хоссалари, ҳаётнинг тузилиш даражалари.



4-илова

### Ўйга вазифа:

1. Ҳаётнинг тузилиш даражаларини топфаларга ажратинг ва топфаларни жадвалида фойдаланг.
2. Ҳужайра ва ҳужайра назарияси мавзусини инсерт жадвалидан фойдаланиб ўқиб келинг.

### Топфаларни жадвали билан ишлаш учун йўриқнома:

1. Матн билан танишиб чиқинг.
2. Ҳаётнинг тузилиш даражаларини аниқлаб олинг.
3. Жадвалнинг биринчи вертикал каторига ҳаётнинг тузилиш даражаларини ёзиб чиқинг.
4. Жадвалнинг иккинчи горизонтал каторига ҳаётнинг тузилиш даражаларга тавсиф беринг.

№	Ҳаётнинг тузилиш даражалари.			
1.				
2.				

### Инсерт жадвали

	+	?	!	

+ - янги маълумот. ? – мени ўйлантирмакда. ! - тушуна олмадим.

## 2.2. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

2.2.1	<p>“Болаларда рахит касаллиги. Экссудатив – катарал диатез.Спазмофилия” мавзуси бўйича ўқув машгулотларда ўқитиш технологияси</p> <p><i>С. Шодиева П.Ф. Боровский тиббиёт коллежи</i></p>
-------	---

### 1.1. Ўқув машгулотининг ўқитиш технологияси модели

<i>Машгулот вақти-4 соат</i>	<i>Ўқувчилар сони: 15 та</i>
<i>Машгулотшакли ва тури:</i>	Амалий -билимларни мустаҳкамлаш ва кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича ўқув машгулоти
<i>Ўқув машгулот режаси:</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1.Бемор ҳолатини баҳолаш йўллари.</li> <li>2.Витамин Д<sub>2</sub> дозасини ҳисоблаш.</li> <li>3.Болаларни ультрабинафша нурлари билан нурлантириш.</li> <li>4.Экссудатив-катарал диатездеа терини парваришлаш.</li> <li>5. Ларингоспазмда шошилич ёрдам кўрсатиш.</li> </ol>
<i>Ўқув машгулотининг мақсади:</i> Болаларда рахит касаллиги. Экссудатив – катарал диатез.Спазмофилия тўғрисида билимларини мустаҳкамлаш, назарий билимни ўхшашлик бўйича қўллаш, ҳаракатларни тартиб бўйича бажариш кўникмаларини ривожлантириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Болаларда рахит касаллиги. Экссудатив–катарал диатез. Спазмофилия тўғрисида маълумотларни тизимлаштиришни ўргатиш;</li> <li>• Бемор ҳолатини баҳолашни ўргатиш;</li> <li>• Витамин Д<sub>2</sub> дозасини ҳисоблашни ўргатиш;</li> <li>• Болаларни ультрабинафша нурлари билан нурлантиришни ўргатиш;</li> <li>• Экссудатив – катарал диатездеа терини парваришлашни ўргатиш;</li> <li>• Ларингоспазмда шошилич ёрдам кўрсатишни ўргатиш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Болаларда рахит касаллиги. Экссудатив–катарал диатез. Спазмофилияни тушунтирадидлар;</li> <li>• Бемор ҳолатини ҳолатини таҳлил қиладилар;</li> <li>• Витамин Д<sub>2</sub> дозасини ҳисоблайдилар;</li> <li>• Болаларни ультрабинафша нурлари билан нурлантирадидлар;</li> <li>• Экссудатив – катарал диатездеа терини парваришлайдилар;</li> <li>• Ларингоспазмда шошилич ёрдам кўрсата оладилар.</li> </ul>
<i>Ўқитиш методлари</i>	Машқ, йўриқнома, тушунтириш, намойиш, кўрсатиш, аклий ҳужум.
<i>Ўқув фаолиятини ташкил этиши</i>	Жамоавий, гуруҳли, индивидуал



<i>шакллари</i>	
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Ўқув услубий материал, “Қора қути”, муляжлар, тиббиёт ва парвартиш қилиш жиҳозлари, дори воситалари.
<i>Ўқитиш шaroити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Қайтар алоқанинг усул ва воситалари</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб, кузатув

### 1.2. Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқич-лари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчилар
1-босқич. Мавзуга кириш (5дақиқа)	<p><b>Ташкилий бошланиш.</b></p> <p>1.1. Ўқувчилар давомати ва уларнинг машғулотга тайёргарлигини текширади.</p> <p>1.1.Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсад ва қутилаётган натижалар билан таништиради, унинг ахамиятини асослайди.</p> <p>1.2. Мавзу бўйича баҳолаш мезонларини маълум қилади (1-илова).</p> <p>1.4. Мавзунинг ахамияти устида тўхталиб ўтади.</p>	<p>Машғулотга тайёрланадилар.</p> <p>Диккат қиладилар.</p> <p>Танишадилар.</p>
2-босқич. Асосий босқич (165дақиқа )	<p><b>Мавзу бўйича билимларини ривожлантириш (30 дақиқа):</b></p> <p>1.1. Мавзу бўйича билимларини ривожлантириш мақсадида ўқувчиларни 3 та кичик гуруҳларга бўлади, “Қора қути” воситасидан фойдаланади.</p> <p>1.2. Гуруҳларда ишларни бажариш юзасидан йўриқнома беради. Ҳар бир кичик гуруҳларга тарқатилган “Қора қути” материалларини ичидан мавзуга таалукли бўлмаган маълумотларни олиб ташлашлари айтилади (2-илова).</p> <p>1.3.Гуруҳларда ишни ташкил қилади, кодасини эслатади (3-илова).</p> <p>Гуруҳларни ишини диккат билан кузатади, маслаҳатлар беради.</p> <p>1.4. Ҳар бир гуруҳдан 1тадан вакил</p>	<p>3 та кичик гуруҳларга бўлинадилар.</p> <p>Йўриқномага диккат қиладилар.</p> <p>Гуруҳларда ишларни бажарадилар.</p> <p>Ҳар бир гуруҳдан 1тадан вакил чиқиб, ўз ишларини таҳлил</p>

<p>чикиб, ўз ишларини тахлил қилишлари айтилади.</p> <p>1.5. Ҳар бир кичик гуруҳ маълумотларни тахлил қилиш вақтидаги хатоликлари ва камчиликлари ўқитувчи томонидан тўғирланади ва тўлдирилади.</p> <p><b>Бемор ҳолатини баҳолаш (40 дақиқа):</b></p> <p>2.1 Бемор ҳолатини баҳолашни ўргатиш мақсадида иш 3 та кичик гуруҳда давом этишини маълум қилади ва иш мазмуни билан таништиради, “Вазиятли масалалар”ни тарқатади (4-илова).</p> <p>2.2. Вазиятли масалада қўйилган саволларга гуруҳ микёсида жавоб беришларини тушунтиради. Гуруҳларда ишлаш қондасини эслатади, йўналтиради, тушунтиради.</p> <p>2.3. Гуруҳлар ишини кузатади, назорат қилади, очик саволлар беради: “Нима учун бундай фикрдасиз” ва ўқувчилар ишини боришини шархлайди, уларга аниқ камчиликларни кўрсатади.</p> <p>2.4. Тақдимотни бошланишини маълум қилади. Маслаҳатчи сифатида фаолият юритади. Шархлайди, аниқлаштиради, ўзгартиришлар киритади.</p> <p>2.5. Ҳар бир кичик гуруҳ тақдимотидан сўнг мавзу саволи мазмунидаги асосий жиҳатлари бўйича ўқувчилар диққатини жалб қилиб, хулосалар қилади.</p> <p><b>Муолажа ва кўникмаларни шакллантириш (80 дақиқа):</b></p> <p>3.1. Иш 4 та кичик гуруҳда давом этишини маълум қилади, йўриқнома беради ва топшириқларни тарқатади (5-илова).</p> <p>3.2. Ўқувчиларнинг муолажа ва кўникмаларни бажаришини ривожлантириш учун “Машқ”</p>	<p>қиладилар.</p> <p>Йўл қўйилган хатоликлар ва камчиликларга диққат қиладилар.</p> <p>3 та кичик гуруҳга бўлиниб, “Вазиятли масалалар” билан танишадилар.</p> <p>Вазифаларга диққат қаратадилар.</p> <p>Гуруҳларда биргалликда ишлайдилар.</p> <p>Ахборотни тизимлаштирадилар.</p> <p>Гуруҳ сардорлари кўргазмали материал орқали ахборотларни етказадилар.</p> <p>Диққат қиладилар.</p> <p>4 та кичик гуруҳларга бўлинади ва топшириқ билан танишадилар.</p>
---	--



	<p>усулидан фойдаланиб, йўналтиради ва назорат қилади (6-илова).</p> <p>3.3. Ўқувчиларнинг индивидуал ишларини ташкиллаштиради, фаолиятини кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар беради.</p> <p>3.4. Ўқувчиларнинг машқ қилиш жараёнидаги камчилик ва хатолари ўқитувчи томонидан тўғирланиб, тўлдирилади.</p> <p>Ўзлаштирган муолажа ва кўникмаларини мустаҳкамлаш (15 дақиқа):</p> <p>4.1. Ўзлаштирган муолажа ва кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчиларга мавзуга оид бўлган витамин Д препаратларини рецептини ва дозасини дафтарларига ёзиб беришлари айtilади.</p> <p>Бу жараёни ўқитувчи диққат билан кузатиб туради.</p>	<p>Ўқувчилар гуруҳларда ЎУМ дан фойдаланган ҳолда, муляжларда муолажа ва амалий кўникмаларни кетма-кетликда бажарадилар.</p> <p>Ҳар бир ўқувчи витамин Д препаратларини рецептини ва дозасини дафтарларига ёзадилар.</p>
<p>3-босқич. Яқуний босқич (10 дақ.)</p>	<p>Машғулотга яқун яшаш.</p> <p>3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига ўқувчилар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Ўқувчилар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.</p> <p>Уйга вазифа бериш.</p> <p>3- мавзуга тайёрланиб келиш вазифасини беради.</p>	<p>Диққат қиладилар.</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

## Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Кўрсаткичлар	Баҳолар			
	5	4	3	2
Мавзу бўйича билимларини ривожлантириш: “Кора кути” усулидаги фаолликлари	Мавзу бўйича маълумотларни тўлиқ баён қилади.	Мавзу бўйича маълумотларни нотўлиқ баён қилади.	Мавзу бўйича маълумотларни қисман баён қилади.	Мавзу бўйича маълумотларни умуман баён қилмайди.
Бемор ҳолатини баҳолаш: “Вазиятли масалалар” таҳлили	Ўқувчи вазиятга қўйилган ҳар 3 та саволга тўғри, аниқ, лўнда жавоб беради.	Ўқувчи вазиятга қўйилган 2 та саволга тўғри жавоб қайтаради, 3-саволга жавоб беришда баъзи камчилик ва хатоликларга йўл қўяди.	Ўқувчи вазиятга қўйилган 1-саволга тўғри жавоб қайтарса, 2 ва 3- саволга жавоб беришда катта камчилик ва хатоликларга йўл қўяди ёки жавоб бера олмайди.	Ўқувчи вазиятга қўйилган ҳар 3 та саволга жавоб қайтара олмайди.
Муолажа ва кўникмаларини шакллантириш:	Ўқувчи амалий муолажа ва кўникмани тўлиқ, хатосиз, тўғри шархлаб кўрсатиб беради.	Ўқувчи амалий муолажа ва кўникмани тўлиқ, хатосиз кўрсатиб беради, лекин шархлашда хатолик ва камчиликларга йўл қўяди.	Ўқувчи амалий муолажа ва кўникмани кўрсатиб беришда ҳам, шархлашда ҳам хатолик ва камчиликларга йўл қўяди	Ўқувчи амалий муолажа ва кўникмани кўрсатиб ва шархлаб бера олмайди.
<b>Жами:</b>	<b>5</b>	<b>4</b>	<b>3</b>	<b>2</b>



## Кичик гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Макс. баҳо	Гуруҳ иши натижаларининг баҳоси			
		1	2	3	4
Маълумотнинг тўлиқлиги	5				
Такдимот (маълумотнинг чизмалари тарзда такдим этилиши)	5				
Гуруҳнинг фаоллик даражаси (кўшимчалар киритиш, савол-жавоблар бериш)	5				
Муолажа ва кўникмаларни бажаришдаги фаоллик даражалари	5				
Баҳоларнинг максимал ҳажми	5				

## ГУРУҲЛИ ИШ УЧУН ЎҚУВ ТОПШИРИҚ

## ЎҚУВ ТОПШИРИҚ

1. Қора қутидаги “Рахит” кассалигига оид маълумотларни ажратиш.
2. Қора қутидаги “Спазмофилия” кассалигига оид маълумотларни ажратиш.
3. Қора қутидаги Экссудатив – катарал диатез кассалигига оид маълумотларни ажратиш.
4. Вазиятли масалани ечимини топинг.
5. Витамин Д<sub>2</sub> дозасини ҳисобланг.
6. Болаларни ультрабинафша нурлари билан нурлантириш йўлларини ўрганинг ва амалда қўланг.
7. Экссудатив – катарал диатезда терини парваришлаш йўлларини ўрганинг ва амалда қўланг.
8. Ларингоспазмда шошилиш ёрдам кўрсатиш йўлларини ўрганинг ва амалда қўланг.

*Эслатма:* топшириқни ечишда ишни бажариш йўриқномасига амал қилинг.

**Ўқув топширикни бажариш бўйича йўриқнома:**

1. Қора қутидаги “Рахит” кассалигига оид маълумотларни ажратинг.
2. Қора қутидаги “Спазмофилия” кассалигига оид маълумотларни ажратинг.
3. Қора қутидаги Экссудатив – катарал диатез кассалигига оид маълумотларни ажратинг.
4. Вазиятли масалани ечимини топинг.
5. Амалий иш натижаларини тақдим этинг.
6. Витамин D<sub>2</sub> дозасини ҳисобланг ва ҳисоблаш жадвалидан фойдаланинг.
7. Болаларни ультрабинафша нурлари билан нурлантиринг.
8. Экссудатив – катарал диатезда терини парваришланг
9. Экссудатив – катарал диатезда терини парваришлаш бўйича йўриқномадан фойдаланинг.
10. Ларингоспазмда шошилиш ёрдам кўрсатиш йўлларини ўрганинг ва амалда қўлланг.
11. Ларингоспазмда шошилиш ёрдам кўрсатиш бўйича йўриқномадан фойдаланинг.

**Экссудатив – катарал диатезда терини парваришлаш бўйича йўриқнома**

1. Боланинг тирноқларини тез – тез олиб туриш керак.
2. Қўлларига юмшоқ матодан тайёрланган қўлқопчалар кийгизиб қўйиш керак.
3. Боланинг юзини мойчечак дамламаси ёки 2% ли борат кислота эритмаси билан ювиб туриш лозим.
4. Тери бурмаларига догланган ўсимлик мойи суртилади, баъзи болаларга присипкалар сепиб турилади.
5. Бола терисини ва шиллик қаватлари гигиенасига катъий эътибор берилади.
6. Теридаги аломатларни кучайтириб юборадиган озик овқатлар овқат рационидан чиқарилади.
7. Зарарланган сохалар ультрабинафша нурлар билан нурлантирилади.
8. Шифобахш ванналар буюрилади.



*Ларингоспазмада шошилинч ёрдам кўрсатиш бўйича йўриқнома*

1. Бола текис ва каттик жойга ётқизилади.
2. Сикиб турган кийимлари бўшатилади.
3. Тоза ҳаво билан таъминланади.
4. Тинчлик таъминланади.
5. Беморни юзига ва танасига совук сув сепилади, бурнига пилик тикилади, ҳаво пуфланади.
6. Нашатир спирти хидлатилади.
7. Шпатель билан тил илдизи босилади.
8. Кальций глюконат 10 %, в/и 1,0 мл/ёшига нисбатан в/и юборилади.
9. Агар юкоридаги муолажалар наф бермаса, у ҳолда интубация ёки трахеостомия ўтказилади.
10. Юрак тўхтаб қолганда юрак массажи қилинади.
11. Нафас тиклангандан сўнг кислород терапия ўтказилади.

*Болаларни ультрабинафша нурлари билан нурлантириш бўйича йўриқнома*

1. Куёш нури билан чиниктириш муолажасини эҳтиётлик билан олиб бориш керак.
2. Ёшидан ошган болаларни куёш нури билан факат эрталаб соат 9:00 дан 11:00 гача чиниктириш мумкин.
3. Куёш ваннасини бир неча дақиқагина, дастлаб эса 10 дақиқагача олинади.
4. Боланинг бошига оқ панама кийдириб қўйиш лозим.
5. Куёш ваннасини катталар кузатувида олиб бориш керак.
6. Болани умумий аҳволини кузатиш учун тиббиёт хамшираси иштирокида амалга оширилади.

## Кора қутн” материаллари

### Мавзу: Рахит

- 2 ойликдан 2 ёшгача учрайди.
- Турли ёшли болаларда учрайди.
- Организмда витамин Д кўпайиб кетганидан келиб чиқади.
- Кальций ва фосфор алмашинуви бузилмайди.
- 4 та давр билан кечади.
- 1 – давр бошланғич даври; 2 – даври авжига чиқиш даври; 3 – давр тузалиш даври; 4 – давр асорат қолиш даври.
- Бошланғич даврида суякларда деформациялар юзага келади.
- Авжига чиққан даврида: олимпик пешона, эгарсимон бурун, товук кўкрак, рахитик билакузук, сколиоз, оёқларнинг “х” ёки “о” симон кийшайиши кузатилади.
- Тузалиш даври: МНС яхшиланади, бола тинчланади, терлаш камаяди, суяклар каттиклашади, тишлар чиқа бошлайди.
- Қолдиқ асоратлар даврида: бола инжикланади, кўп терлайди, сочи тўкилади.
- Даволаш: овқатида кальций ва фосфорга бой махсулотлар, мева шарбатлари, мева сабзавот пюрелари, тухум сариги, очик ҳавода кўпроқ сайр килдириш, укалаш ва хвойли ванналар буюрилади.
- Специфик даво: витамин Д буюрилади.

### Мавзу: Спазмофилия

- Спазмофилия – “spasmus” тортишиш ва “filia” мойиллик деган маънони билдиради.
- Спазмофилияда қонда кальций миқдори кўпайиб кетади.
- Спазмофилия 1 – 2 яшар болаларда кўпроқ учрайди.
- Клиникаси: касалликнинг 2 хил шакли тафовут қилинади: бошланғич ва авж олиш.
- Хвостек симптоми: юз мушакларининг турли жойларида, оғиз бурчагидан сал юқорирокка туртиб кўрилса, оғиз, бурун ва ковок мушакларининг пирпираб учиши кузатилади.
- Труссо симптоми: Хвостек симптомининг бошка номи.
- Маслов симптоми: Баданига салгина игна санчилганда бемор боланинг нафаси қиска муддатга тўхтаб қолади. Соғлом болаларда нафаси тезлашади ва чуқурлашади.
- Очик турида: ларингоспазм хуружи: бола йнглаганда, кичкирганда, каттик овоз чиқариб нафас олади. Кейин нафас олиш бирдан тўхтади. Кўқариб, хушдан кетади. Қўзлари катта очилади, совук тер босади. Бир оз вақтдан сўнг бола шовқинли нафас ола бошлайди.



### *Мавзу: Эксудатив – катарал диатез*

Эксудатив – катарал диатез касаллик эмас, конституция аномалияси ҳисобланади.

Аллергик ҳолатларга кирмайди.

Тери ва шиллик қаватлари катарал яллиғланишга мойил ҳисобланади.

Бошнинг сочли қисмида сарғимтир кепаклиб турадиган доғлар пайдо бўлади – бу доғлар “Гнейс” дейилади.

Бола парварини яхши бўлсада териси бичилади, айниқса, чов, кўлтик ости, кулок орқаси, бўйида, бўғим соҳасида, тиззаларида кўпроқ кузатилади.

Эксудатив – катарал диатезли бола респиратор касалликлар билан умуман касаланмайди.

Конъюктивит, отит, гипотрофия кўп кузатилади, тез-тез ичи бузилади.

Рангпар, қовоқлари шишган, тили “географик харита” кўринишида, иштаҳаси юқори, баъзан паст бўлади.

ЭКД ли болаларда юқумли касалликлар оғир кечади.

Даволашда: аввало овқат рашионидан аллергия маҳсулотлар олиб ташланади.

Кичиниш ва безовталаниш пайдо бўлса, антигистамин препаратлари: диазолин, супрастин, кетотифен буюрилади.

3-илова

3- мавзунинг 3- иловасига қаранг.

4-илова

### **1-гурӯх учун**

#### **Вазиятли масала**

Она 5 ойлик фарзандини маҳалла педиатрига олиб чиқди.

**Шикоятлари:** уйқусининг бузилиши, кўп терлаш ва ижиклик.

**Қўрувда:** умумий аҳволи қониқарли,  $t^{0} 36,5$ , бошнинг сочли қисмининг энса соҳасида сочи сийрақлашган, боши бироз қатта, энса суяги юмшқлиги кузатилади. Аускультацияда: пуэрил нафас, юракда ортқча шовқин йўқ. Пальпацияда: жигар бироз қатталашган, оғриксиз.

**Анамнездан:** муддатида тутилган, тутилгандаги тана вазни 3200 гр бўлган. 3 ойгача кўкрак билан боқилган. Ҳозирда сунъий овқатлангиришда, кўшимча овқат берилмаган. Очик ҳавога кўп чиқмайди. Чилкирилмаган. Ич келиши баъзан қабзият кузатилади, баъзан суюқлашади.

**Тавсиялар:** *Қуйидаги саволлар асосида вазиятли масалани таҳлил қилинг.*

**Саволлар:**

1. Сизининг тахминий таҳқиқингиз?
2. Таҳқиқни тасдиқлаш учун қандай лаборатор текширувлар ўтказилиши керак?
3. Қандай даво чора тадбирлари ўтказилади?

## 2-гурӯх учун Вазиятли масала

Она 6 ойлик фарзандини маҳалла педиатрига олиб чиқди.

**Шикоятлари:** безовталик, терида тошмалар ва бурмаларда кизаришлар борлиги.

**Қўрувда:** умумий аҳволи коникарли, ҳарорати  $36,4^{\circ}\text{C}$ , юз, бўйин, қўл ва оёқ териларида, майда нуктасимон пушти кизғин рангли тошмалар, чов бурмасида, думбасининг оралари ва қўлтиқ ости соҳаларида бичилишлар бор. Тили географик харита кўринишида, сочида гнейслар мавжуд. Аускультацияда: пуэрил нафас, юракда шовқин йўқ. Пальпацияда: жигар ва талоқ катталашмаган. Ич келиши тез – тез суюқлашиб туради.

**Анамнездан:** муддатда тугилган, вазни 3700 гр бўлган, табиий овқатлантиришда, кўшимча овқатлар бериллади. Юкори нафас аъзолари касалликлари билан тез – тез оғриб туради.

*Тавсиялар: Қуйидаги саволлар асосида вазиятли масалани таҳлил қилинг.*

**Саволлар:**

1. Сизининг тахминий ташхисингиз?
2. Ташхисни тасдиқлаш учун қандай лаборатор текширувлар ўтказилиши керак?

керак?

## 3-гурӯх учун Вазиятли масала

Она 11 ойлик фарзандини маҳалла педиатрига олиб чиқди.

**Шикоятлари:** уйқусининг бузилиши, кўп терлаш, каттик овоз чиқариб, нафаси тўхтаб қолиши.

**Қўрилганда:** умумий аҳволи коникарли, энса соҳасида сочи сийраклашган, боши бироз катта. Врач кўригида ўтирганда бола безовталаниб, кичкириб нафаси тўхтаб, кўкариб ҳушдан кетди. Врач ёрдам бергандан кейин бола яна нафас ола бошлади. Аускультацияда: шовқинли нафас, нафас сони 1 дақиқада 40 та, пульс 150 марта 1 дақиқада. Пальпацияда: жигари бироз катталашган, оғриксиз. Ич баъзан котади, баъзан суюқлашади.

**Анамнездан:** муддатда тугилган, тугилгандаги тана вазни 3600 гр бўлган, 6 ойгача кўкрак билан боқилган. Ҳозирда аралаш овқатлантиришда, кўшимча овқатдан маъний бўтқаси ва олма шарбати бериллади.

*Тавсиялар: Қуйидаги саволлар асосида вазиятли масалани таҳлил қилинг.*

**Саволлар:**

1. Сизининг тахминий ташхисингиз?
2. Ташхисни тасдиқлаш учун қандай лаборатор текширувлар ўтказилиши керак?
3. Қандай даво чора тadbирлари ўтказилади?



2.2.2	<p>“Alphabet. text:”about myself” mavzusi bўyicha ўquv mashgʻulotlarida          ўqitish texnologiyasi  <i>Kayumova G., Qarshi shahar Shayx-Ali maishiy xizmat ko'rsatish kasb-          hunar kolleji</i></p>
-------	--

### 1.1. O'quv mashg'ulotida ta'lim texnologiyasi modeli

<i>O'quv soati: 2 soam</i>	O'quvchilar soni: 15
<i>O'quv mashg'uloti shakli va turi</i>	Amaliy – bilimlarni mustahkamlash, ko'nikma va malakalarni shakllantirish
<i>O'quv mashg'ulot rejasi</i>	1.English ABC 2.About myself 3.My family is large
<i>O'quv mashg'ulotining maqsadi:</i> O'quvchilarni ingliz “Alfabet”i bilan tanishtirish, “About myself” mavzusi bo'yicha nazariy bilimlar o'xshashlik bo'yicha qo'llash, og'zaki nutqini o'stirish ko'nikma va malakalarni shakllantirish	
<i>Pedagogik vazifalar:</i> 1. Ingliz tili alfaviti haqida ma'lumot berish. 2. Tayanch so'z va iboralarni tushuntirish. 3. O'zi haqida ma'lumot berish ko'nikmasini shakllantirish. 4. Rasmlardan foydalanib oila a'zolari haqida gaplar tuzib, izohlab berishni o'rgatish	<i>O'quv faoliyat natijalari:</i> 1. Ingliz tili alfavitini 2. Tayanch so'z va iboralarni ifodali o'qib, gaplar tuzadilar. 3. O'zlari haqida qisqacha og'zaki ma'lumot beradilar. 4. Rasmlardan foydalanib oila a'zolari haqida ma'lumot beradilar.
<i>O'qitish metodlari</i>	Tushuntirish, ko'rsatish, blits-so'rov, kichik guruhlarda ishlash
<i>O'quv faoliyatini tashkil etish shakllari</i>	Jamoaviy, ommaviy, individual va yakka tartibda
<i>O'qitish vositalari</i>	Ma'ruza matn, proyektor, lingafon, rasmlar.
<i>O'qitish shart sharoiti</i>	Ingliz tili lingafon o'quv xonasi
<i>Qaytar aloqani usul va vositalari</i>	Savol-javob, nazorat savollari, rasmlar bilan ishlash

### 1.2. Ўқув машгулотининг технологик харитаси

Amaliy mashg'ulot bosqichlari va vaqti	Faoliyat mazmuni	
	o'qituvchi	o'quvchi

<p>1-bosqich. O'quv mashg'ulotig a kirish (10 daqiqa)</p>	<p><i>Tashkiliy boshlanishi</i> 1.1.O'quvchilar davomati va darsga tayyorgarligini tekshiradi. <i>Mavzuga kirish.</i> 1.2.Mavzuni nomini e'lon qiladi va mashg'ulot rejasi bilan tanishtiradi. Mavzu bo'yicha asosiy tushunchalarni; mustaqil ishlash uchun adabiyotlar ro'yhatini aytadi.O'quv faoliyati natijalari bilan tanishtiradi .</p>	<p>Tinglaydilar va yozib oladilar</p> <p>Oldin o'rgangan mavzularini qisqacha javob beradilar Adabiyotlar ro'yhatini yozib oladilar</p>
<p>2-bosqich. Asosiy (70 daqiqa)</p>	<p><i>O'quvchilar bilimni faollashtirish.</i> 2.1. Mavzuga oid nazorat savollari berib o'quvchilar faolligini oshiradi (4-ilova). 2.2. Javoblarni tinglab, ular bo'yicha xulosa qiladi. <i>Yangi o'quv materiali bayoni.</i> 2.3.Tayanch so'z va iboralarni tanishtirib, ularni to'g'ri talaffuz qilish va gapda qo'llanish tartibini tushuntiradi (3-ilova). 2.4. O'zi haqida ma'lumotni ingliz tilida berishga o'rgatadi 2.5. Rasmlardan foydalanib oila a'zolari haqida gaplar tuzish va izohlab berish to'g'risida ko'rsatmalar beradi. 2.6. O'quvchilar jamoaviy guruhlarga bo'linadi, tayanch so'z va iboralardan foydalanib o'z oilalari to'g'risida yozma topshiriq beradi (5-ilova). 2.7.O'quvchilarning guruhlarda ishlarini tashkilladhtiradi, faoliyatini kuzatadi, maslahatlar beradi. 2.8. Guruhlar yo'l qo'ygan kamchilik va xatolari o'qituvchi tomonidan to'g'irlanib to'ldiriladi.</p>	<p>Savollarga javob beradilar</p> <p>To'g'ri talaffuz qilish qoidalarini o'rganadilar va gaplar tuzadilar</p> <p>O'zi haqida gapirib beradilar</p> <p>Rasmlardan foydalanib gaplar tuzadilar</p> <p>Topshiriqni bajaradilar va taqdimot qiladilar</p>
<p>3-bosqich. Yakuniy (10 daqiqa)</p>	<p><i>Yakunlash.</i> 3.1. Mavzu bo'yicha yakuniy xulosa beradi, tushintiradi (5-ilova). 3.2. Guruhlarni o'zaro baholanishini ma'lum qilgach natijalarni sharxlaydi. 3.2 .Uyga vazifa beradi (6-ilova)</p>	<p>Savol-javob beradilar. Topshiriqni yozib oladilar</p>



## Ingliz ABC

No.	Bosma	Yozm	Nomi	No.	Bosma	yozma	Nomi
		<b>a</b>					
1.	Aa	<i>Aa</i>	[ei]	14.	Nn	<i>Nn</i>	[en]
2.	Bb	<i>Bb</i>	[bi:]	15.	Oo	<i>Oo</i>	[ou]
3.	Cc	<i>Cc</i>	[si:]	16.	Pp	<i>Pp</i>	[pi:]
4.	Dd	<i>Dd</i>	[di:]	17.	Qq	<i>Qq</i>	[kju:]
5.	Ee	<i>Ee</i>	[i:]	18.	Rr	<i>Rr</i>	[a:]
6.	Ff	<i>Ff</i>	[ef]	19.	Ss	<i>Ss</i>	[es]
7.	Gg	<i>Gg</i>	[dʒi:]	20.	Tt	<i>Tt</i>	[ti:]
8.	Hh	<i>Hh</i>	[eitʃ]	21.	Uu	<i>Uu</i>	[ju:]
9.	Ii	<i>Ii</i>	[ai]	22.	Vv	<i>Vv</i>	[vi:]
10.	Jj	<i>Jj</i>	[dʒei]	23.	Ww	<i>Ww</i>	[ˈdʌblju:]
11.	Kk	<i>Kk</i>	[kei]	24.	Xx	<i>Xx</i>	[eks]
12.	Ll	<i>Ll</i>	[el]	25.	Yy	<i>Yy</i>	[wai]
13.	Mm	<i>Mm</i>	[em]	26.	Zz	<i>Zz</i>	[zed-zi:]

## 2-ilova

## About myself

My name is Alisher. I am 16 years old. I am a student of the Vocational college. I am a first year student. I have a father, a mother, two brothers, a little sister, 3 aunts, 2 uncles, a grandmother and a grandfather. I also have many friends. I am interested in English, mathematics and many other subjects. I am also fond of sports. I go in for football. Because it is my hobby. I like to watch football matches on TV. I like classical music and Italian food. I enjoy listening to music. I like to read books of Uzbek, English, American and French writers. I am Uzbek and live in Uzbekistan. I am proud of my country and love it very much.

## 3-ilova

<b>1. Learn the new words.</b>	Also	- ham, shuningdek
Father - ota	Friend	- o'rtiq, do'st
Mother- - ona	Be interested in	- qiziqmoq
Brother - aka	Be fond of	- qiziqmoq
Sister - opa, singil	Hobby	- sevimli mashg'ulot
Aunt - xola, amma	To watch	- tomosha qilmoq
Uncle - tog'a, amaki	Football matches	- futbol o'yinlari
Grandmother - buvi	On TV	- televizorda
Grandfather - buva	Italian food	- italyancha ovqat
Writers - yozuvchilar	Enjoy	- rohatlanmoq
To be proud of - g'ururlanmoq	Listen to	- tinglamoq
Country - mamlakat	Very much	- juda

**Blits so'rov savollari**

1. How old is Alisher?
2. What is he?
3. What is he interested in?
4. What is he fond of?
5. Why does he go in for football?
6. What does he like?
7. What does he enjoy?
8. What nationality is he and where does he live?

**Topshiriq 1****Gaplarni tarjima qiling.**

1. Bizning oilamiz kichik.
2. Mening otam muhandis.
3. Mening akam 20 yoshda..  
Economics Faculty.
4. Onam musiqa o'qituvchisi.  
see them.

**Topshiriq 2****Gaplarni tarjima qiling.**

1. We have a very good time together
2. He likes his job.
3. He is a post-graduate student of the
4. I love them very much and often go to



2.2.3	<b>“Артикуляция машклари” мавзуси бўйича ўқув машгулотларда ўқитиш технологияси</b> <i>Жўраева М., Наманган миллий хунармандчилик ва хизмат кўрсатиши коллежи</i>
-------	--

### 1.1. Ўқув машгулотининг ўқитиш технологияси модели

<i>Вақти – 2 соат</i>	<i>Ўқувчилар сони: 8 нафар</i>
<i>Ўқув машгулотининг шакли ва тури</i>	Амалий – билимларни мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш
<i>Ўқув машгулотининг режаси</i>	1. Оғизни очиш. 2. Лаб машклар. 3. Тил машклари. 4. Жағ машклари
<i>Ўқув машгулотининг мақсади:</i>	Артикуляция машклари тўғрисидаги билимлар юзасидан кўникма ва малакаларни шакллантириш.
<i>Педагогик вазифалар:</i> - артикуляция машклари оркали оғиз очиш машкларини тушунтириш; - лаб машкларини бажаришни ўргатиш; - жағ машкларини бажаришни ўргатиш; - тил машкларини бажаришни ўргатиш.	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> - артикуляция машкларини бажара оладилар; - лаб машкларини бажарадилар; - жағ машкларини бажарадилар; - тил машкларини бажарадилар.
<i>Ўқитиш методлари</i>	Тушунтириш, кўрсатиш, машк.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Кўрсатмалар, доска, расмлар.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Индивидуал, жамоавий
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хона
<i>Қайтар алоқага чиқиш усул ва воситалари</i>	машк, тест назорат саволлари.

### 1.2. Ўқув машгулотининг технологик харитаси

Боскичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчининг	ўқувчининг
1-боскич. Кириш (10 мин.)	<i>Таниқлий қисм.</i> 1.1. Машгулотининг мавзуси, мақсади ва режалаштирилган ўқув натижалари, ҳамда уни ташкил этиш режаси билан таништиради. 1.2. Машгулот билимларни мустаҳкамлаш малака кўникмаларни шакллантириш шаклида ўтказилишини ва баҳолаш мезонини маълум қилади (1 илова)	Эшитадилар, такоррлайдилар  Саволлар берадилар.

<p>2-босқич. Асосий (60 мин.)</p>	<p><i>Амалий ишга кириш.</i> 2.1. Ўқувчилар билимини фаоллаштириш мақсадида тезкор-сўров ўтказди (2-илова). 2.2. Берилган жавобларни қабул қилади. Жавобларни таҳлил қилиб беради. 2.3. Амалий машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён қилади. 2.4. Режа бўйича машқларни бирма-бир, тартиб билан бажариб, амалда кўрсатиб беради (2илова). 2.5. Машқларни бажариш бўйича ўқув топшириғи ва йўриқнома беради (3-4-илова). 2.6. Топшириқни бажариш бўйича ўқувчиларга ёрдам беради. 2.7. Машғулотнинг баъзи бир жиҳатларини мисоллар ёрдамида тушунтириб беради. 2.8. Берилган топшириқларни ўқувчилар томонидан қай даражада амалга оширилганини назорат қилади. 2.9. Энг яхши ишларни намуна қилиб кўрсатади</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар. Машғулотнинг асосий қисмига эътибор қаратадилар, ва ўрганадилар  якка тартибда ишлайдилар ва бажарадилар ўқувчилар ўқув топшириғини бажаришга киришадилар. Якка тартибда кўзгуда бажаришга ҳаракат қиладилар.</p>
<p>3-босқич. Яқуний (20 мин.)</p>	<p><i>Яқуний.</i> 3.1. Мавзуга хулоса ясайди. Ўқув жараёнини умумлаштиради. Фаол ўқувчиларни баҳолаш мезонлари орқали баҳолайди. 3.2. Мустақил ишлаш ва амалий билимларни мустаҳкамлаш учун топшириқ беради.</p>	<p>Тинглайдилар. Аниқлаштиради.  Топшириқни ёзиб оладилар.</p>

### 1-илова

#### Иш натижасини баҳолаш мезонлари

Кўрсаткичлар	Мак. балл	Ўқувчи иш натижаларининг баҳоси			
		1	2	3	4
Машқларга таъриф бериш	1				
Машқларни тўлиқ кетма-кетликда бажариш	2				
Ўқувчининг фаоллик даражаси	2				
Балларнинг максимал ҳажми	5				



## Блиц –сўров саволлари

1. Нутқ аъзоларига нималар киради?
2. Нутқ аъзоларини периферик – физиологик фаолияти қандай бўлади?
3. Нафас олишни неча хил тури мавжуд?

3-илова

## ЎҚУВ ТОПШИРИҚ

*Ҳар бир ўқувчи учун алоҳида ўқув топшириқ*

1. Артикуляция амалий машқларини бажаринг ва артикуляция эркинлигига эришинг.
2. Машқларни бажариб, такдим этинг.

*Эслатма: машқларни бажариши йўриқномасига амал қилинг.*

4-илова

## Машқларни бажариш учун йўриқнома

## 1. Оғизни очиш



Аниқ ва енгил талаффузга эришишнинг биринчи омили – бу эркин ва яхши очилувчи оғиз. Оғизни очиш ва ёпиш давомидаги ҳаракат юмшоқ бўлиши, яъни тил текис ётиши ва тил учи пастки тиш қаторларига йенгил тегиб туриши керак. Бу машқни бир неча бор қайтариш лозим.


## 2. Юқори лаб машқи



Бу машқ ҳаракати суёт, «котиб қолган» лаб учун мўлжалланган. Пастки лаб, юз эркин ҳолда туради, юқори лаб юқорига – бурунга тортилади ва шу тарзда бир неча бор қўтарилиб, туширилади, бунда олдинги тиш қаторлари милк-кача кўриниши керак.

## 3. Пастки лаб машқи


Пастки лаб ҳам фаолликда юқори лабдан қолишмаслиги керак. Пастки лабни икки ёнга тортиб пастга туширилади, бунда пастки тиш қаторлари аниқ кўриниб туради, пастки жағ кимирламайди, оғиз ярим очик ҳолда бўлади.



## 4. 2 ва 3-машқлар навбатма-навбат қайтарилади

Бу машқ оғиз мушакларини юмшатиб, унинг енгил очилиб-ёпилишини таъминлайди.


**5. Лабларни йнгиқ холда аввал олдинга чўчайтириш, тиш қаторларни кўрсатмасдан икки томонга тортиш**



Машк лабларни каттиқ сикқан холда бажарилади. Факатгина лаблар тортилиб, машк мобайнида жағнинг кимирламай туриши,

оғиз мушакларининг эгилувчанлигига ва йенгил ҳаракатланишига олиб келади. Нутқдаги ва кўшиқчиликдаги унли товушларнинг сержило, ширали эшитилишига айнан шу машк орқали эришилади.

**6. Лабларни юмган холда ўнгга, чапга, юқорига, пастга ва айлана бўйича (тишлар жипелашган холда) ҳаракатлантириш**



Лабларни юмган холда ушбу машкни бажариш бироз мушкул; кўзланган мақсадга эришиш учун аввал ҳар бир

ҳаракат қисмини алоҳида бажариш мумкин, биринчи лабни олдинга чиқариш ва ушлаб туриш, кейин ўнгга, бироз ушлаб туриб, чапга, сўнг жағни ёпик холда ушлаб пастга, юқорига (иложи борича бурунғача). Шу ҳаракатлар яна бошидан қайтарилади.

**7. Пастки жағни олдинга, ўнгга, чапга, пастга ва айланма ҳаракатлантириш**

Юқорида зикр этилган машклардаги ҳолатларни аввал гурухли дарсларда талабаларга ёздириб, керак бўлса кўрсатиб бериш лозим.



**ТИЛ МАШҚЛАРИ**

1. Тил ясси ҳолатда, учи пастки тиш қаторига тегиб туради, оғиз вертикал холда катта очилади (худди эснагандек).





Бу машқ биринчи «огизни очиш» машқига ўхшаб кетади, ундан фарқи шуки, бунда тилнинг ҳолатига кўп-роқ эътибор берилади, юқоридаги машқда эса огиз очилиб - ёпилиши мобайнида жағнинг аниқ ҳаракатланишига диққат қаратилади. Машқ кун давомида бир неча бор бажарилади.

2. Оғиз ва тил ҳолати юқоридагидек, лекин тил учи юқори тиш қаторининг олдинги қисмига кўтарилиб, яна аввалги ҳолига қайтади.

3. Оғиз ярим очик, тил учи юқори танглайга қайтарилиб тегиб, юқори тиш қатори билан юқори озгина ташқарига чиқади.



Бу машқ асосан «Л» товушининг айтилишини мустаҳкамлаш учун тил



учи ташқарига чиқаётган пайтда товуш кўшилиб – ЛУ – ЛО – ЛЎ таллафуз этилади.

4. «Белқуракча» – тил кенг ҳолда чиқарилиб, бўшашти-рилади ва пастки лаб устига қўйилади. Бунда тил титрамаслиги керак.



5. «Косача». – Оғиз кенг очилади, тил кенг чиқарилиб юқорига кўтарилади. Тил юқори тишлар томон олиб борилади, лекин уларга теккизилмайди.

6. «Найча» – тил кенг ҳолда чиқарилади. Унинг икки ён томони юқори томонга букилади. Ҳосил қилинган найча-дан пуфланади.

7. «Соатча» – тил узун, ингичка қилиб чиқарилади. Сўнг шу ҳолда оғизнинг ўнг бурчагидан чап бурчаги томонга девор соатнинг қапғири каби ҳаракатга келтирилади.



8. «От» – тил танглай томон бурилиб, сўнг қўйиб юборилади. Шунда тил худди от туёқлари овози каби тақиллаган овоз чиқаради. Бу машқни секин ва тезроқ бажариш мумкин.



9. «Аргимчок» – тил узун, ингичка қилиб чиқарилади, сўнг навбатма - навбат гоҳ бурун, гоҳ ияк томон олиб борилади. Бу вақтда оғиз беркитилмайди.

10. «Мазали мураббо» – тил кенг ҳолда чиқарилади, сўнг юқори лаблар яланади ва тил оғиз ичига олинади.

2.2.4	“Маълумотлар омборини яратиш. Маълумотлар омборини очиш ва ёпиш” мавзуси бўйича ўқув машғулотларда ўқитиш технологияси Сиддиқова Ф., Бухоро нефт ва газ саноати касб-хунар коллежи
-------	---

### 1.1. Ўқув машғулотидаги ўқитиш технологияси модели

Машғулот вақти-2 соат	Ўқувчилар сони: 25 –30 гача	
Машғулот шакли ва тури	Амалий-билимларни мустаҳкамлаш ва кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича ўқув машғулоти	
Ўқув машғулоти режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мавзу мазмунига кириш. -Маълумотлар омборини яратиш. -Маълумотлар омборини очиш ва ёпиш. -Излашни ташкил этиш. -Филтрлар яратиш ва қўллаш.</li> <li>2. Индивидуал ишлашларини ташкиллаштириш.</li> <li>3. Ўқув топширикларни бажариш.</li> <li>4. Тақдимотлар муҳокамаси, баҳолаш.</li> </ol>	
Ўқув машғулотидаги мақсади: Маълумотлар омборини яратиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш		
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:	
– Маълумотлар омборини яратиш тартибини очиб бериш;	– Маълумотлар омборини яратиш тартибини тушунтирадиган ва яратадиган;	
– Маълумотлар омборини очиш ва ёпиш услубини тушунтириш;	– Маълумотлар омборини имкониятларидан фойдаланадиган;	
– Ўқув топшириклар мазмунини очиб бериш;	– Излашни ташкил этадиган;	
– Индивидуал ишлашларни мустақил бажаришга йўналтириш.	– Филтрлар яратадиган ва қўллайдиган.	
Ўқитиш методлари	Амалий иш, машқ, кўрсатиш, намоён этиш, йўриқнома.	
Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари	Оммавий, жамоавий, индивидуал	
Ўқитиш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, компьютер, ўқув топшириги	
Ўқитиш шарт-шароити	Махсус жиҳозланган ўқув хона	
Қайтар алоқанинг йўли ва воситалари	Ёзма назорат: ўқув топшириги	

### 1.2. Ўқув машғулотидаги технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчилар



<p>1-боскич. Мавзуга кириш (15дак.)</p>	<p><b>Ташкилий қисм.</b> 1.1. Ўқувчилар давомати ва дарсга тайёргарлигини текширади. 1.2. Амалий машғулот мавзуси ва мақсади билан таништиради. 1.3. Машғулот индивидуал шаклида ўтказилишини ва баҳолаш мезонларини маълум қилади (1-илова).</p>	<p>Дарсга тайёрланадилар.</p>
<p>2-боскич. Асосий (65дак.)</p>	<p><b>Амалий ишга кириш.</b> 2.1.Тезкор-сўров орқали ўқувчиларни фаоллаштиради: <i>Маълумотларни тизимда қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш вазифасини таъминловчи дастурларга нималар қиради?</i> Жавобларни қабул қилади ва умумлаштиради. 2.2. Амалий иш мазмунини билан таништиради ва уни бажариш юзасидан йўриқнома беради. 2.3. Ўқувчиларни индивидуал ишлашларини ташкиллаштиради, ўқув топшириklarини таркатади (2-илова). 2.4. Ўқувчиларни фаолиятини кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар беради. 2.5. Индивидуал амалий ишлашга ажратилган вақтни тугаганлигини маълум қилади ва Ўқувчиларнинг топшириklarини тўғри бажарганлиklarини текширади.</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар</p> <p>Топшириklarни оладилар, бажарадилар</p> <p>Топшириklarни такдим этадилар</p>
<p>3-боскич. Яқуний боскич (10 дак.)</p>	<p>3.1. Машғулот мавзуси бўйича яқун ясайди, индивидуал иш натижасини таҳлил қилади, баҳолайди. 3.2. Мавзу бўйича Ўқувчиларда юзага келган саволларга жавоб беради, яқунловчи хулоса қилади. 3.3. Ўқувчилар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди 3.4. Мустақил иш учун топширик беради (3-илова).</p>	<p>Саволлар берадилар</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

## ИНДИВИДУАЛ ИШЛАШ УЧУН ЎҚУВ ТОПШИРИҒИ

## Ўқув топшириги


1. Маълумотлар омборини яратиш.
  2. Маълумотлар омборини очиш ва ёпиш.
  3. Излашни ташкил этиш.
  4. Фильтрлар яратиш ва қўллаш.
- Эслатма: Топширикни бажаришда йўриқномага амал қилинг.


## ЙЎРИҚНОМА

1. Адресатни, факат унинг фамилиясини билган холда топинг.
2. Агар сизнинг телефон аникловчингизда кунгирок қилган одамнинг телефон рақами қолган бўлса, сизга қим телефон қилганини аникланг.
3. Телефон рақамининг факат учта рақамини билган холда адресатни топинг.
4. Факат куча номини эслаб қолган холда адресатни топинг.
5. Адресатни факат унинг уй рақамини билган холда топинг.
6. Адресатни унинг фамилиясини биринчи харфларидан топинг.
7. Сизнинг уй рақамингиз адресатнинг адресига ёки унинг телефон рақами таркибига кирганини эслаган холда адресатни топинг.
8. Формага фильтрни қулланг ва уни ёпинг. Шу формани яна очинг. Фильтрланган руйхат сақланган-сақланмаганлигини ёки ҳамма мавжуд ёзувларнинг курсатилаётганлигини ва фильтрнинг узи сақланганлигини (аввал фойдаланилган фильтрни қуллаб буладими) текширинг.
9. Фильтрни қуллаб туриб, телефон рақамлари учта бир хил сон билан бошланадиган ҳамма адресатлар руйхатини ҳосил қилинг.
10. Исмлари масалан, «а» га туговчи адресатлар руйхатини ҳосил қилинг.
11. Эркак фамилиялардан иборат («в»га туговчи) руйхатни ҳосил қилинг.
12. Фильтрни шундай берингки, натижада 223-87-45, ва 226-87-23 телефон рақамларига эга бўлган адресатлар руйхатида бўлсин.



## Ишлашни ташкил қилиш бўйича йўриқнома

1. Агар олдинги машини бажаргандан кейин МБ ни ёпган булсангиз, уни яна очинг ва *Форма* иловасида АНКЕТА ни танланг ва сичкон билан *Открыть* тугмасини босинг.
2. Исм майдонига курсорни куйинг.
3. **Правка** менюсида **Найти ...** буйруғини бажаринг ёки инструментлар панелида  тугмасидан фойдаланиш мумкин. Агар очилган «Поиск в поле: Имя» диалог ойнаси формани тузган булса, уни, форма маълумотларни уқиш мумкин булиши учун, албатта «силжитинг». 1-расмдан фойдаланинг.



### Излашни ташкил қилиш бўйича йўриқнома

1. *Поиск* ойнаси «остида» ги сизнинг формангизда, олдинги *панда* тегишли исмли ёзув жойлашган булади. Уша адресат эканлигини аниқланг. Агар бу бошқаси бўлса, *Поиск далее* тугмасини босинг ва дастур худди шундай исмли (агар у бўлса) яна битта адресатни топади. Шундай тарзда танланган исмли ҳамма адресатларини куриб чиқиш ва кераклисини топиш мумкин. Агар сиз уз адресатингизни топган бўлсангиз «Поиск» мулоқот ойнасини ёпиш мумкин.

2. Излаш фақат ИСМ майдони маълумотлари уртасида олиб борилади (курсор олдиндан уриятилган майдондан) Бу *Область поиска* калити *Текущее положение* ҳолатида уриятилганлиги ҳисобига содир булади. Агар калит *Все поля* ҳолатига уриятилса, намуна билан мос келиш ҳам мавжуд булган майдонларнинг ҳаммаси билан текширилиб аниқланади. Очилган *Совпадение* очилган руйхатда учта имкониятдан бирини танлаш мумкин.

3. *Майдоннинг ихтиёрий қисми* билан – намуна майдон таркибининг ихтиёрий қисмида намуна билан мослик изланади. Масалан, «Камол» намунаси учун «Жамол» ва «Камрон» топилиши мумкин. *Майдон бошидан* – намуна билан мослик майдон таркибининг боши изланади. Масалан, «Камол» намунаси учун «Камрон» топилади, лекин «Жамол» эмас.

4. *Майдонлар бунтунисича* таркиби намуна билан тула мос келган майдонлар изланади.

◆ *Вверх* – жорий ёзувдан биринчисига қараб.

◆ *Вниз* – жорий ёзувдан охиригисига қараб.

Агар сиз излашни белгилар регистрини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилмоқчи бўлсангиз, унда тегишли байроқчани уриятинг. Бу ҳолда «Камол» намунаси киритилганда «камол» ёки «КАМОЛ» топилмайди.

### Излашни ташкил қилиш бўйича йўриқнома

5. *Поиск* ойнаси «остида» ги сизнинг формангизда, олдинги *панда* тегишли исмли ёзув жойлашган булади. Уша адресат эканлигини аниқланг. Агар бу бошқаси бўлса, *Поиск далее* тугмасини босинг ва дастур худди шундай исмли (агар у бўлса) яна битта адресатни топади. Шундай тарзда танланган исмли ҳамма адресатларини куриб чиқиш ва кераклисини топиш мумкин. Агар сиз уз адресатингизни топган бўлсангиз «Поиск» мулоқот ойнасини ёпиш мумкин.

6. Излаш фақат ИСМ майдони маълумотлари уртасида олиб борилади (курсор олдиндан уриятилган майдондан) Бу *Область поиска* калити *Текущее положение* ҳолатида уриятилганлиги ҳисобига содир булади. Агар калит *Все поля* ҳолатига уриятилса, намуна билан мос келиш ҳам мавжуд булган майдонларнинг ҳаммаси билан текширилиб аниқланади.

Бундан ташқари, сиз намуна билан мос келишининг бошқа хил вариантларини танлаш имкониятига эга бўласиз.

7. Очилган *Совпадение* очилган руйхатда учта имкониятдан бирини танлаш мумкин.

1. *Майдоннинг ихтиёрий қисми* билан – намуна майдон таркибининг ихтиёрий қисмида намуна билан мослик изланади. Масалан, «Камол» намунаси учун «Жамол» ва «Камрон» топилиши мумкин.

2. *Майдон бошидан* – намуна билан мослик майдон таркибининг боши изланади. Масалан, «Камол» намунаси учун «Камрон» топилади, лекин «Жамол» эмас.

3. *Майдонлар бунтунисича* таркиби намуна билан тула мос келган майдонлар изланади.

◆ *Вверх* – жорий ёзувдан биринчисига қараб.

◆ *Вниз* – жорий ёзувдан охиригисига қараб.

Агар сиз излашни белгилар регистрини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилмоқчи бўлсангиз, унда тегишли байроқчани уриятинг. Бу ҳолда «Камол» намунаси киритилганда «камол» ёки «КАМОЛ» топилмайди.



2.2.5	<b>“Kassa muomalalarini hisobga olish tartibi va hujjatlashtirish” mavzusi bo'yicha o'quv mashg'ulotlarda o'qitish texnologiyasi</b> <i>Bozorova G., Vobkent sanoat va transport kasb-hunar kolleji</i>
-------	--

**1.1. O'quv mashg'ulotining o'qitish texnologiyasi modeli**

<i>Mashg'ulot vaqti: 6 soat</i>	<i>O'quvchilar soni: 22 ta</i>
<i>Mashg'ulotining shakli va turi</i>	Amaliy – bilimlarni mustahkamlash va ko'nikma malakalarni shakllantirish bo'yicha o'quv mashg'uloti
<i>O'quv mashg'uloti rejasii</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Kassaga oid xo'jalik jarayonlariga provodka berish.</li> <li>2. Kassa jarayonlari bo'yicha kassa kirim orderi va chiqim orderi hujjat shaklini rasmiylashtirish.</li> <li>3. Kassa jarayonlari bo'yicha kassa muomalalarini ro'yxatga olish jurnali va kassa daftarini rasmiylashtirish.</li> <li>4. Jurnal -order №1 shaklini to'ldirish.</li> <li>5. Qaydnoma №1 shaklini tayyorlash va to'ldirish.</li> </ol>
<i>O'quv mashg'uloti maqsadi:</i> Kassa muomalalarini hisobga olish va hujjatlashtirish to'g'risida bilimlarni mustahkamlash, nazariy bilimlarni o'xshashlik bo'yicha qo'llash, harakatlarni tartib bo'yicha bajarish ko'nikmalarini rivojlantirish.	
<i>Pedagogik vazifalar:</i> - kassa muomalalarini hisobda aks ettirishni o'rgatish; - kassa jarayonlari bo'yicha kassa kirim orderi va kassa chiqim orderi hujjat shaklini rasmiylashtirishni o'rgatish; - kassa kirim orderi va kassa chiqim orderi ma'lumotlari asosida kassa muomalalarini ro'yxatga olish jurnali va kassa daftarini to'ldirishni o'rgatish; - Jurnal -order №1 va qaydnoma №1 shaklini to'ldirishni o'rgatish.	<i>O'quv faoliyati natijalari:</i>  - kassa muomalalarini hisobda aks ettira oladi;  - kassa jarayonlari bo'yicha kassa kirim orderi va kassa chiqim orderi hujjat shaklini rasmiylashtiradi;  - KO - 1 va KO - 2 son shakllar ma'lumotlari asosida kassa muomalalarini ro'yxatga olish jurnali va KO -4 son kassa daftarini to'ldiradi;  - ma'lumotlar asosida jurnal - order №1 va qaydnoma №1 shaklini to'ldira oladi.
<i>O'qitish metodlari</i>	Tushuntirish, mashq, suhbat
<i>O'quv faoliyatini tashkil etish shakllari</i>	Jamoaviy, individual
<i>O'qitish vositalari</i>	ko'rgazmali qurollar, tarqatma material (ish hujjatlari)

<i>O'qitish sharoiti</i>	O'TV bilan ishlashga moslashtirilgan auditoriya
<i>Qaytar aloqaning usul va vositalari</i>	Savol –javob, Ish hujjatlarining rasmiylashtirilganligi

### 1.2. O'quv mashg'ulotining texnologik xaritasi

Ish bosqichlari va vaqti	Faoliyat mazmuni	
	o'qituvchi	o'quvchilar
1-bosqich. O'quv mashg'ulotiga kirish (10 daq.)	<p>1.1. O'quv mashg'ulotining mavzusi, maqsad va kutilayotgan natijalar bilan tanishtiradi, uning ahamiyatini asoslaydi.</p> <p>1.2. Mavzu bo'yicha baholash mezonlarini ma'lum qiladi(1-ilova).</p> <p>1.3. Mavzuning ahamiyati ustida to'xtalib o'tadi.</p>	<p>Diqqat qiladilar</p> <p>Tanishadilar</p>
2- bosqich. Asosiy (55 daq.)	<p><b>Mavzu bo'yicha bilimlarni rivojlantirish.</b></p> <p>1.1. Mavzu bo'yicha bilimlarni rivojlantirish maqsadida iboralarga oid mashqdan foydalanadi (2- ilova).</p> <p>1.2 O'quvchilarning ishini kuzatadi,maslahatlar beradi.</p> <p>1.3. Tanlov asosida o'quvchilar o'z ishlarini ko'rsatishlarini aytadi.</p> <p>1.4. O'quvchilar javobini tahlil qiladi, xato va kamchiliklar o'qituvchi tomonidan to'g'irlanadi va to'ldiriladi .</p> <p><b>Kassa muomalalarini hisobga olish.</b></p> <p>2.1. Kassa hisobiga oid xo'jalik jarayonlariga buxgalteriya provodkalarini berishga oid masala tarqatadi.(3 - ilova)</p> <p>2.2. Masalani bajarish tartibini tushuntiradi.</p> <p>2.3. O'quvchilar faoliyatini nazorat qiladi.</p> <p>2.4. Masala yechimi muhokama qilinishini e'lon qiladi.Javoblarni tekshiradi. Xatolarni tuzatadi,xulosalar qiladi.</p> <p><b>Kassa muomalalarini hujjatlashtirish.</b></p> <p>3.1. Kassa jarayonlari bo'yicha kassa kirim orderi(4-ilova) va kassa chiqim orderi(5-ilova) hujjat shaklini to'ldirish uchun ish hujjatlarini tarqatadi. Har bir hujjatdan 3 nusxadan to'ldirishni aytadi. Hujjatlarni rasmiylashtirishda 3-ilovadagi topshiriqdan foydalanishni aytadi.</p> <p>3.2. Har bir o'quvchining ish faoliyatini kuzatadi, maslahatlar beradi, kamchiliklarni</p>	<p>Mashqni bajaradilar.</p> <p>O'quvchilar o'z ishlarini tahlil qiladilar. Yo'l qo'yilgan xatoliklar va kamchiliklarga diqqat qiladilar.</p> <p>Vazifalarga diqqat qiladilar. Masalani bajaradilar. O'quvchilar o'z ishlarini tahlil qiladilar.</p> <p>Kassa kirim orderi va chiqim orderlarini rasmiylashtiradilar.</p> <p>Kassa</p>



	<p>to'g'irlyadi.</p> <p>3.3.Kassa kirim va chiqim hujjatlarini ro'yxatga olish jurnalini rasmiylashtirishni aytadi.(6 - ilova)</p> <p>3.4. Kassa kitobini rasmiylashtirishni aytadi (7 - ilova).</p> <p>3.5. O'quvchilar ishini kuzatadi, nazorat qiladi, savollar beradi. "Kassa jarayonlari to'g'risida qanday fikrdasiz" va o'quvchilar ishini sharhlaydi.</p> <p>3.6. Kassa muomalalari asosida jurnal – order №1 (8-ilova)va qaydnoma №1(9-ilova)ni rasmiylashtirishni topshiradi. Hujjatlarni rasmiylashtirishda 3-ilovadagi masaladan foydalanishni aytadi.</p> <p>3.7.O'quvchilar ishini kuzatadi,nazorat qiladi,maslahatlar beradi.</p> <p>3.8. O'quvchilarning mashq qilish jarayonidagi kamchilik va xatolari o'qituvchi tomonidan to'g'irlanib , to'ldiriladi.</p>	<p>muomalalarini ro'yxatga olish jurnalini to'ldiradilar. Kassa kitobini to'ldiradilar. Javob beradilar</p> <p>Jurnal – order№1ni to'ldiradilar. Qaydnoma№1ni to'ldiradilar.</p> <p>Yo'l qo'yilgan xatoliklar va kamchiliklarga diqqat qiladilar.</p>
3- bosqich Yakuniy bosqich (15 daq)	<p>3.1. Yangi mavzuga yakun yasaydi. Bajarilgan ishlarning kelgusi kasbiy ish faoliyatidagi ahamiyatini o'quvchilarga tushuntiradi.</p> <p>3.2. Har bir o'quvchining bajarga ishini tahlil qiladi va baholaydi</p> <p>3.3. Mustaqil ish uchun topshiriq beradi: 4-ilova</p>	<p>Diqqat qiladilar</p> <p>Topshiriqni yozadilar.</p>

I-ilova

**Baholash ko'rsatkichlari va mezonlari**

Ko'rsatkichlar	Baholar		
	5	4	3
Mavzu bo'yicha bilimlarni rivojlantirish: iboralarga oid mashq	iboralarni to'liq ta'rif qiladi	iboralarni noto'liq ta'rif qiladi	iboralarni qisman ta'rif qiladi
Xo'jalik jarayonlariga provodka berish	hamma muomalaga provodka beradi	muomalalarning ba'zilariga noto'g'ri provodka beradi(3-4 muomalaga)	o'quvchi berilgan muomalalarning 7-8 tasiga provodka bera olmaydi
Kassa jarayonlarini hujjatlashtirish	hujjatlarni to'g'ri rasmiylashtiradi	hujjatlarni rasmiylashtirishda rekvizitlarning joyini almashtiradi	hujjatlarni to'liq rasmiylashtira olmaydi

## Mavzu bo'yicha bilimlarni rivojlantirish uchun topshiriq

## Topshiriq № 1

Quyidagi atamalarga ta'rif yozing:

1. Pul mablag'lari -

---

---

---

2. Kassa -

---

---

---

3. Kassir -

---

---

---

4. Kassa kirim orderi -

---

---

---

5. Kassa chiqim orderi -

---

---

---

6. Kassa kitobi -

---

---

---

---



## Individual ishlash uchun o'uv topshiriqlar

## Topshiriq № 2.

Kassa hisobiga oid xo'jalik jarayonlariga buxgalteriya provodkalarini berish.

Sana	№	Xo'jalik jarayoni	Summa	D'	K'
1.01.10	1	Korxonahisob-kitob schyotiga xaridor tashkilot» Nigora» xususiy firmasidan pul kelib tushdi. Nigora firmasining rekvizitlari: Banki Asaka bank kodi 00116 Hisob raqami20204006810037869501INN 585683685	650000		
4.01.10	2	Korxonahisob-kitob schyotidan mol yetkazib beruvchi tashkilot "Al-Zafar" korxonasiga olingan xom ashyo va materiallar puli ko'chirildi. "Al-Zafar" korxonasining banki Paxta bank Hisob raqami 20216560018279630001 INN 785463201 MFO 00916	250000		
6.01.10	3	Korxonahisob-kitob schyotiga xaridor tashkilot "Mexriddin-93" kichik korxonasidan sotilgan mahsulot puli kelib tushdi. Banki Sanoatqurilish banki MFO 00086 INN695738805 Hisob raqami 20218000800695879001	480000		
